

# SAIGA NEWS

Экология ва сайгоқ муҳофазаси масалалари бўйича ахборот алмашиш учун 6 тилда нашр қилинади




Е. Полонский сурати

## Тўсиқлар Қозоғистонда сайгоқнинг кўчишига таҳдид сифатида

Сайга Ньюснинг олдинги сонларида (SN №№ 15, 16) Устюрт платосида Қозоғистон ва Ўзбекистон орасидан ўтган чегарада тўсиқ қурилиши, бу устюрт сайгоқ популяциясининг кўчишига потенциал равишда таъсир кўрсатиши тўғрисида мақолалар эълон қилинган эди. Бу 2011 ва 2012 йй. баъзи ҳайвонларга тақилган йўлдошли бўйинбоғлардан олинган маълумотлар билан исботланган эди. Маълумотлар сайгоқларнинг симли тўсиқдан ўтолмаганлиги ёки унда ўтиш жойи тополмаганлиги сабабли, тўсиқ бўйлаб ҳаракатланганини аниқ кўрсатган.

Охири 2 бетда.



Ҳайвонларга зарар етказмайдиган тикансимдан тайёрланган тўсиқлар намуналари. Б варианты Устюрт платоси учун расмий равишда маъқулланган.

Молиявий кўмагида нашр этилади

# МУНДАРИЖА

## Асосий мақола

*Ш.Цутер.* Тўсиқлар Қозоғистонда сайғокнинг кўчишига тахдид сифатида ..... **1**

## Янгиликлар

*Ш.Цутер, А.Шмаленко.* Қозоғистонда ёввойи ҳайвонлар касалликлари бўйича семинарлар..... **3**

*Ш.Цутер, О.Лукановский.* Бетпақдала сайғок популяцияси ареалининг ҳудудида АҚТХ қўллаб-қувватлаш ..... **4**

*В.Григорьев.* Нимадан бошлаш керак, ёки болалар ўйини қандай қилиб дунёни ўзгартириши ҳақида ..... **5**

*А.Айтбаева, Н.С.Шивалдова.* Сайғок куни-2014 ..... **6**

*Б.Чимеддорж.* Ноёб мўғул сайғоғини овлаган браконьерга ҳукм чиқарилди ..... **9**

*Л.Дорвард, П.Дамерелль.* Сайғок бўйича ресурс маркази сайтининг янгиланиши ..... **10**

## Матбуотдан: **10**

Сайғоклар “туғруқхонаси” “Степной” заказнигида муҳофаза остида.

Қозоғистонда сайғок сони 1/3га ошди!

Қозоғистонда ноқонуний сайғок ови уюшган жиноятчилик тусини олди.

Исковуч итлар контрабанда сайғок шохларини топишга ёрдам бермоқда.

Ўзбекистонда сайғок тасвирланган марка чикди.

## Мақолалар

*Р.МакКенн, О.Есипова* Биргаликда расм соламиз – Ўзбекистон одамлари ва табиати..... **12**

*Цянь Хуань ва бошқ.* Хитойда сайғокдан тайёрланган маҳсулот анъанавий хитой табобати бозорида ..... **14**

*Н.А.Франов ва бошқ.* Астрахан областида куйиқиш даврида сайғок эркакларини табиатга чиқариш..... **16**

*В.Н.Ягодин, Ш.Ш. Амиров.* Устюрт платосида қадимги овчилик қурилмалари ..... **18**

## Сайғокни сақлаш – ҳаётларининг иши

*Юрий Грачев,* Қозоғистон..... **20**

## Эълонлар

Сайғокни сақлаш бўйича альянснинг табиатни муҳофаза қилиш соҳасида ёш мутахассислар учун мукофотлари 2014 ..... **21**

Сайғокни муҳофаза қилиш ишидаги ютуқлар учун мукофот, SCA донори ва дўсти Джой Ковейнинг хотирасига..... **23**

Лондон Зоологик Жамияти Дэвид Маллонни антилопаларни сақлаш бўйича иши учун мукофотлади..... **23**

*Охири (боши 1-бетда)*

Бирданига сайғокнинг иккита – Бетпақдала ва Устюрт популяциясининг тарқалиш районини кесиб ўтадиган, Жезказган ва Бейнеуни ўзаро боғлайдиган, янги темир йўлнинг қурилиши сайғокнинг кўчиши учун яна битта муаммо бўлиб ҳисобланади. Қозоғистон темир йўл компанияси(Қазақстан темир жолі)нинг лойиҳаси бўлган ушбу темир йўл тахминан 2016 йилга ишга туширилиши керак эди, бироқ 2013 йилда қурилиш ишларининг катта қисми охирига етказилди. Темир йўл кўтармасининг қурилиши ва янги рельслар ётказилиши тугатилди.


Ушбу тахдидлар сабаби билан, АСБК чегарага туташган тўсиқ ва темир йўлнинг қурилиши билан боғлиқ деталлари ўрганиш ва шунингдек, бундай чизикли инфратузилманинг сайғокларга бўлган таъсирини минимумга олиб келадиган оқибатларни юмшатиш бўйича амалга ошириб бўладиган чораларни аниқлаш учун манфаатдор томонлар билан бир нечта учрашувлар ўтказиш мақсадида халқаро эксперт Кирк Олсонни Қозоғистонга таклиф қилди. Ушбу иш SMS ташаббуси билан Қозоғистонда амалга ошириладиган иккита лойиҳа: асосан Франкфурт зоологик жамияти ва Қушларни муҳофаза қилиш қирол жамияти томонидан молиялаштириладиган “Алтин Дала” Табиатни муҳофаза қилиш ташаббуси, шунингдек USAID кўмагида FFI бажараётган Устюрт ландшафтларини сақлаш бўйича ташаббус томонидан биргаликда бажарилди.

Икки ҳафталик хизмат сафари вақтида Қозоғистоннинг муҳим давлат ташкилотлари, саноат компаниялари, молия муассасалари ва чегара хизмати билан консултациялар ўтказилди. Барча манфаатдор томонлар сайғокни сақлаш бўйича фикрни умуман маъқуллаб, чизикли инфратузилма таъсирининг оқибатларини юмшатиш бўйича чораларни муҳокамасига очиқ эди. Натижада ҳайвонлар кўчишига чизикли объектларнинг салбий таъсирини юмшатишга имкон берадиган бир нечта вариантлар, ҳамда чегара тўсиғи ва темир йўлга нисбатан батафсил тавсиялар баён қилинган, кўп масалаларни қамраб олган маъруза тайёрланди. Маърузага мувофиқ, пастки сим қаторининг олиб ташланиши чегара тўсиғининг таъсирини юмшатиш учун энг қулай ечим бўлади, бу сайғок ва бошқа ҳайвонларга тўсиқ тагидан ўтишга имкон беради.

Темир йўл муаммоси мураккаброқ, темир йўл ёввойи ҳайвонлар учун жисмоний тўсиқ бўлиши унинг жиҳатларидан бири ҳисобланади. АСБК кўтарманинг қиялиги атрофдаги рельефга мос унча тик бўлмаган жойларда сайғоклар учун махсус ўтиш жойларини киритишни таклиф қилди. –

Бу хайвонларга темир йўлнинг таъсирини камайтириши, хусусан, уни кесиб ўтишни осонлаштириши керак. Режалаштириш хужжатларига 86та ўтиш пунктлари киритилди. Бундан ташқари, темир йўл билан боғлиқ бўлган қўшимча инфратузилма, айниқса аҳоли пунктлари бор станциялар ва темир йўл билан ёнма-ён кетган йўллар сайғоқларга катта зиён келтириши мумкин. Бу ерда уй хайвонлари ва итлар билан тўқнашувлар юзага келиши, аҳоли пунктлари эса браконьерлар учун бошпана бўлиб қолиши мумкин. Шундай қилиб, таклиф қилинган тавсиялардан бири - сайғоқларнинг яшashi учун муҳимроқ бўлган жойларда, у ерда аҳоли пунктлари йўқлиги шарти билан, станциялар қурилишини режалаштириш хужжатларидан олиб ташлаш. Ҳозирги вақтда ушбу тавсиялар тегишли давлат органларида кўриб чиқилмоқда.

Чегара тўсиғига тегишли эса, чегара хизмати Орол денгизи соҳилидан бошлаб 138 километр давомида бир километр узунликдаги ораликлар ҳосил бўлиши учун



Бетпақдала популяциясининг яшаш ҳудудида режалаштирилаётган темир йўл переездининг участкаси. Ҳозирги вақтда “Промежуточная” станциясида ҳеч қандай аҳоли пункти мавжуд эмас.

пастки сим қаторларини олиб ташлаб ва бу билан 138та ўтиш жойини ташкил этиб, сайғоқларга ўтиш жойларини ташкил қилишга қарор қилди.

## Янгиликлар

### Қозоғистонда ёввойи хайвонлар касалликлари бўйича семинарлар

Сўнгги йилларда такрорланаётган сайғоқнинг ялпи нобуд бўлиш ҳоллари билан боғлиқ, 2013 йил ноябрда Остонада ветеринар муассалар вакиллари учун иккита ўргатувчи семинар ўтказилди. Семинарлар ҚР ҚХВ Ветеринар назорати ва текшируви қўмитаси билан биргаликда БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) ва Қозоғистон биохилма-хилликни сақлаш ассоциацияси (АСБК) томонидан ташкил этилди.

Урал ва Бетпақдала популяциялари сайғоқларининг ялпи нобуд бўлиш ҳолларидаги аввалги жавоб қайтариш тажрибаси ушбу соҳада муассасаларо коммуникация ва ҳамкорликни яхшилаш учун катта имкониятлар мавжудлигини кўрсатди. Шу сабабли, турли ветеринар муассаса ва лабораториялар вакиллари жавоб қайтариш механизмларини яхшилаш, ҳамда ёввойи хайвонлар касалликлари масалаларида умумий хабардорликни оширишга бағишланган семинарларда қатнашиш учун Остонага таклиф этилди. Шунингдек, дастур доирасида хайвон жасадининг ўқув-машқ ёрилиши ўтказилди.

Биринчи семинарда сайғоқлар орасида касалликлар авж олганда ўтказиш зарур бўлган стандарт процедуралар мослашилди ва қабул қилинди. Қатнашчилар керакли жихозлар рўйхати ва ёриш

баённомасининг стандарт шаклини олдилар. Ёввойи хайвонларнинг ялпи нобуд бўлиш ҳолларида Тез жавоб қайтариш гуруҳини тузиш концепциясининг ишлаб чиқилиши семинарларнинг натижаларидан бири бўлди.

Дастурига лекция ва ўргатувчи машқлар киритилган иккинчи семинар ёввойи ва уй хайвонлари орасида касалликлар тарқалишининг назоратига ва “Битта соғлиқ” концепциясини юриштиришга бағишланди.



Лондон Қирол ветеринар коллежидан проф. Ричард Кок биринчи семинарда лекция ўқимокда.



Унда сайғоқ яшайдиган регионлар маъмуриятининг вакиллари иштирок этди. Шунингдек инсон, ҳамда ёввойи ва уй ҳайвонларига тегишли эпидемиологик жиҳатларнинг ёритилиши семинарнинг мақсади бўлди. Семинар якунида Стандарт операцион процедуралар тасдиқланди ва биринчи семинарда ишлаб чиқилган Тез жавоб қайтариш гуруҳини яратиш концепцияси мақулланди. Семинар охирида қатнашчилар 2013 й. сентябрда сайғоқлар охирги ялпи нобуд бўлган районга бир кунга олиб чиқилди. Семинар натижалари ва тегишли тавсияларни жорий йилда амалга ошириш учун ваколатли органлар билан муҳокамалаш режалаштирилган.



АСБК сурати.

Иккинчи семинардаги лекция.

## Бетпақдала сайғоқ популяцияси ареалининг ҳудудида АҚТХ қўллаб-қувватлаш

Штеффен Цутер, Олег Лукановский, АСБК, [steffen.zuther@acb.kz](mailto:steffen.zuther@acb.kz)

2007 й. ташкил этилган Иргиз-Тўрғай ДТР ва 2012 й. ташкил этилган “Алтин Дала” ДТР Бетпақдала популяцияси ареалининг ғарбида жойлашиб, сайғоқнинг энг яхши кўрган кўзилаш ва куйкиш жойларини қамраб олган. Шу билан бирга ушбу АҚТХлар, шохи деб сайғоқ эркақларини овлаш мақсади бўлган браконьерлар қиёфасида катта хавф билан тўқнашади.

Сайғоқни сақлаш учун муҳим бўлган ушбу иккита АҚТХ ишини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида, 2013 йилда Қозоғистон биохилма-хилликни сақлаш ассоциацияси (АСБК) “Алтин Дала” Табиатни муҳофаза қилиш ташаббуси доирасида керакли ускуна олиш ва ходимлар учун тегишли тренинглар ташкил этишга имкон топди. 2013 й. ёзда Иргиз-Тўрғай резерватига ҳозирги вақтда браконьерликка қарши курашишда ишлатилаётган замонавий тўлиқ узатмали автомобиль, илмий иш учун “УАЗ” микроавтобуси ва техник вазифаларни бажариш учун трактор берилди.

“Алтин Дала” резервати ҳам қўшимча ускуна (компьютерлар, GPS-навигаторлар, дурбинлар) олди. Бундан ташқари, инспекторлар ва илмий бўлим ходимлари учун ҳам назарий қисмдан, ҳам амалий



АСБК сурати.

Иккинчи семинардаги лекция.

машқлардан иборат бўлган тренинглар ўтказилди. Инспекторларга GPSдан фойдаланиш ва хариталар билан ишлаш, мониторинг олиб бориш ўргатилди. Илмий бўлим ходимлари қўшимча ГИС асослари бўйича ўқув курсини ўтди.

Ушбу дастур АСБК шериги – Франкфурт зоологик жамияти оркали Грегор Луизодернинг Атроф муҳит фонди томонидан қўллаб қувватланади ва 2014 йилда давом эттирилади. Қўшимча тренинглар Соколовско – Сарбайск кон-бойитиш ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Евроосиё табиий ресурслар корпорацияси томонидан молиялаштирилди.



АСБК сурати.

Иргиз-Тўрғай резервати учун янги автомобиллар.

## Нимадан бошлаш керак, ёки болалар ўйини қандай қилиб дунёни ўзгартириши хақида

Сайғоқ қорақалпоқ халқининг ҳаёти ва этносида муҳим роль ўйнаб, Қорақалпоғистон билан бевосита боғлиқ. У фаровонлик, омад, ҳосилдорлик рамзи, чўл руҳининг тимсоли бўлиб, ривоят ва афсоналарда, анъанавий каштада мавжуд.

Болалар чўл клублари учун визит карточкаси, маълум нуктаи назардан мадҳия бўладиган ашула ёзиш ғояси ёш нуқсулик композитор Коблан Эденбаева туғилди. Ашула премьераси Кобланнинг ижросида 2013 йилда Сайғоқ кунда бўлиб ўтди.

Кейинроқ Лондон Империял коллежининг инглиз талабаси Джо Булл ашулани инглиз тилида ижро этди. Ғояни қўллаб-қувватлаб ва ривожлантириб, SCA сайғоқ тўғрисида ашулани клипда гавдалантириб кўрсатишни ният қилиб қўйди. Бизнинг ижодий гуруҳимиз уни ишлаб чиқишга киришди. Оператор ва сценарий ҳаммуаллифи Александр Клепаловга клипни олишда анимациядан фойдаланиш фикри келди. Бу санок боши бўлди. Биз сайғоққа ўйнаётган болалар – ака-сингилнинг кўзлари билан қараш фикрига келдик.



А. Есимов сурати

### Джо Булл студияда ашула ёзаяпти.

Сайғоқларни “ҳаётга” кел-тиришнинг мумкин бўлган вариантларини узоқ қиди-ришдан сўнг сим қарқасли пластилин фигураларда тўхтадик. Бу энг енгил ва тез вариант эди. Ушбу вазифани удалаш учун барча ижодий маҳоратимизни ишга солишга тўғри келди. Ниҳоят, ҳаммаси тайёр эди! Съёмка аппаратурасини Gala-Film студияси бериб турди, бунинг учун директор Галина Виноградовадан жуда миннатдормиз!

Болалар билан сахналар олиб бўлингандан кейин, энг узоғи – қадам-бақадан анимация съёмкаси бошланди. Ниҳоят, уч хафталик монтаж ва эффектларни тамомлашдан кейин клип тайёр! Болалар ўйини орқали сайғоқ тўғрисида кўрсатилган ҳикоя, менимча, қизиқарли чиқди. Қизча ва унинг сайғоқлари тўқнашган барча қийинчиликлар ва хатарлар дунёда ҳақиқатан мавжуд! Ҳикоямизда ўғил бола сайғоқларни ўлдириш мумкин эмаслигини тушунганидек реал одамлар ҳам тушинишини жуда хоҳлардик. Келажақда ҳам, кўзимизни қувонтириб, чўлда сайғоқлар подалари чопиб юриши учун.

Клипнинг яратилиши WCN ва Хьюстон ҳайвонот боғининг ёрдамида амалга оширилди. Сайғоқ тўғрисида клипнинг премьераси қорақалпоқ тилида 2014 йил май ойида Сайғоқ куни вақтида сайғоқ яшайдиган ерларда жойлашган барча аҳоли пунктлари, ҳамда Нукус шаҳрида бўлиб ўтди.

Инглиз тилида клипни

<https://www.youtube.com/watch?v=V0wF8KFmOA>

қорақалпоқ тилида асл ашулани

<http://www.saigaresourcecentre.com/videos/saiga-gimm-the-saiga-and-the-steppe/> олишингиз мумкин.



В. Григорьев сурати

### Болалар ўйинчоқ сайғоқлар билан ўйнаяпти.

Ўғил бола - машина ва зобитлар, қизча эса ҳайвонлар фигураси – сайғоқлар билан ўйнайди. Ўйин орқали болалар дунёга нисбатан муносабатини акс эттиради. Улар кичкина тангрилар каби, уларнинг фъел-атвори ва тақдирини белгилаб, одам ва ҳайвонлар фигураларини ҳаракатлантиради. Бола овчилар тарафида бўлиб, сайғоққа хавф-хатар туғдиради – улар томонга браконьерларни йўналтиради, техник тўсиқлар (трубопровод, темир йўл) қуради, қизча эса турли усуллар билан ҳайвонларни химоя қилиб, акасига қаршилиқ кўрсатади. Ҳикоя нозик психологик фарқлар – шафқатсизлик ва эзгулик, мулоҳазасиз довураклик ва самимийликнинг қарама-қарши туришида яратилган. Финалда болаларнинг рақобати беғуноҳ ҳайвонларнинг ўлимидан икковида ҳам, юраги ачишиб, уларни кутқариш хоҳиши пайдо бўлиши билан тўхтайдди.

Сценарий ёзилди, сахна ва персонажлар аниқланди, актёрлар танланди. Улар болалар – етти ёшли Рустам ва олти ёшли Сафина бўлди. Съёмка учун керакли ўйинчоқлар деярли тез топилди, сайғоқ фигуралари билан муаммо бор эди, уларни қаердан олиш мумкин?



# Сайғоқ куни-2014

Мана бир неча йилдирки, сайғоқ яшайдиган мамлакатларда унинг шарафига байрам – Сайғоқ куни нишонланади. Ушбу Кун апрелнинг охири – майнинг бошида, сайғоқчалар дунёга келганда ўтказилади.

Сайғоқ кунини ўтказишдан мақсад – сайғоқни сақлаш муаммосига жамотчилик, айниқса ёш авлод эътиборини қаратиш, ҳамда ушбу ноёб ҳайвонни сақлаш бўйича кўрилатган чоралар тўғрисида аҳолининг хабардорлигини ошириш. Байрам People's trust for endangered species, Coins for Change, Disney Canada ва Disney Worldwide Conservation Fund халқаро фондларининг ёрдами туфайли нишонланди.

## Сайғоқ куни Қалмоғистонда

Айгуль Айтбаева, Қалмоғистон Республикаси Ёввойи ҳайвонлар маркази, [saiga-center@mail.ru](mailto:saiga-center@mail.ru)

Қалмоғистонда Сайғоқ куни апрель ойида, худуди ажойиб чўл антилопаларнинг асосий яшаш жойи бўлган Яшқўл ва Черноземельск районларида нишонланди. Айни шу районларда 2013 й. чўл клублари: “Жонли мерос” (Яшқўл пос.) ва “Бамб Цеңг” (Адик пос.) ташкил этилган. Бу йил Сайғоқ кунининг ўтказилишида асосий ролни ушбу клублар ўйнади.

Яшқўл кўп профилли гимназия базасида ўтказилган байрамга республиканинг бта мактабидан турли ёшдаги ўқувчилар таклиф этилди. Байрам қатнашчиларини табриклаш учун Қалмоғистон Республикаси Таълим ва фан ҳамда Табиий ресурслар ва атроф-муҳит муҳофазаси вазирликлари вакиллари, Ёввойи ҳайвонлар маркази ва Қалмиқ давлат университетининг ходимлари келди. Шунингдек байрамда Буюк Британия ва Қозоғистонлик меҳмонлар ҳам қатнашди.

Байрам, қалмиқлар ҳаётида ҳар қандай муҳим ходисалар олдида ўтказиладиган анъанавий қалмиқ маросимдан бошланди. “Тенгдош” болалар ташкилотининг болалари тўртта табиий куч – Сув, Ер, Ҳаво, Оловга сажда қилиш маросимларини ўтказди ва қалмиқ халқининг асосида табиатга, умуман барча жонзодларга ва хусусан, сайғоққа нисбатан ғамхўрлик муносабати ётган анъаналарини сақлашга чақирди.

“Жонли мерос” чўл клубининг экологлари томонидан тайёрланган “Қуёшга уч, сайғоқча” сахналаштирилган томошаси байрам қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди. “Экос” агитбригадаси болалари ўз чиқишларида сайғоқ сонининг охириги 30 йил ичида юз берган



Адиқов ЎТМ командаси плакатининг химояси.

ўзгаришларига алоҳида эътибор бериб, барча қатнашчиларни чўл антилопасининг йўқолиб кетиш муаммосидан четда қолмасликка чақирди.

Байрамнинг иккинчи қисми “Экологик экспресс – Табиатга дўст бўлиб кир” ўйин-конкурсига бағишланган эди, у “Шеърый”, “Муסיкий”, “Эрудит” ва “Ижодий” “бекатларидан” иборат эди. Бу “бекатларда” болалар Қалмоғистон табиатининг муҳофазаси бўйича яхши билимлар кўрсатди, сайғоқ тўғрисида шеърлар тўкиб, плакат ва шиорлар чизди. Шунингдек, шу куни “Мени кутқар, инсон” варақаси конкурсининг якунлари чиқарилди. Республика мактабларининг ўқувчилари варақаларида сайғоққа бўлган муҳаббат, унинг тақдири учун ташвишни ифодалаган.

Энг мазмундор варақалар “Жонли мерос” клубининг аъзолари томонидан Яшқўл ва Черноземельск аҳоли пунктларида осиб қўйилди.

Сайғоқ куни, Яшқўл кўп профилли гимназия ва Сарульск ўрта таълим мактаби (Черноземельск райони)нинг ёш экологлари иштирок этган Адиқов ўрта мактаби базасида ҳам нишонланди. Ўқувчилар учун “Форт Боярд” қизик спорт ўйини ўтказилди, “Бамб Цеңг” клубининг аъзолари эса барча қатнашчилар учун “Сайғоқ – чўл хусни” адаби-муסיкий композициясини тайёрлади. Сайғоқ ҳақида шеърларини ўқиган, Қалмоғистон Республикаси маданиятида хизмат кўрсатган ишчи, Григорий Кукареканинг чиқиши байрамга алоҳида манолилик бағишлади.



Адик п-да Сайғоқ кунинда Қалмиқ рақси.

Бу йил ўқитувчи ва ота-оналар биринчи марта клуб аъзолари бўлганини белгилаш қувончлидир. Технология ўқитувчиси Владимир Бюрчиев ва “Бамб Цецг” клуби аъзолари Адик п. Сайғоқ кунини ўтказиш вақтида ёғочдан сайғоқ мавзусида сувенирлар қирқиш бўйича мастер-класс намойиш қилди. Якунида, болаларни ҳам, уларнинг ота-оналарини ҳам бефарқ қолдирмаган, Яшқўл пос. клубининг аъзолари ташкиллаштирган “Сайғоқни сақлаймиз” флешмоби экологик байрамга тегишли кайфият бағишлади.

Сайғоқ кунини нишонлашдан ташқари Ёввойи ҳайвонлар марказининг ходимлари Яшқўл ва Адик посёлкаларида ўқувчилар учун маърузалар, ҳамда сайғоқларни ўз кўзи билан кузатиши мумкин бўлган “Яшқўл” питомнигига экскурсиялар ташкил қилди, шунингдек Б.Б.Городовиков номидаги Троицк гимназиясининг кичик синф ўқувчилари (Целинный райони) учун “Сайғоқ пойгаси” спорт эстафетасини ўтказди.



Айибоева А.М. сурати

Адиков ЎТМда Сайғоқ куни.

Албатта, ўтказилган тадбирлар туфайли бизнинг биргаликдаги тиришишларимиз зое кетмайди ва яқин келажакда чўлларимизда катта сайғоқ подалари яшайди деган умид пайдо бўлди.

## Сайғоқ куни Ўзбекистонда: юқори даража

Наталья Шивалдова, ННО Экомактаб, [nshivaldova@mail.ru](mailto:nshivaldova@mail.ru)

Устюртнинг узоқ посёлкаларида Сайғоқ кунини ўтказишни бошлаган кундан бери саккиз йил ўтибди. Бу йил у “Баркамол авлод” Туризм, ўлкашунослик ва экология бўйича республика болалар маркази ва унинг Қорақалпоқ филиали, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш бўйича давлат кўмитаси иштирокида ўтказилди. Халқ таълими вазирлиги томонидан ёрдам бериш ваъдасини олишга ҳам муваффақиятли қадамлар қилинди. Апрельда Қорақалпоғистон Чўл клубларига қўшилган мактабларнинг ўқитувчилари иштирокида тренинг-семинар ўтказилди.

Ўқитувчилар байрамни ўтказиш бўйича тажриба билан ўртоқлашди ва келгуси тадбирнинг дастурини ва унга маҳаллий аҳолини жалб этиш йўлларини муҳокама қилди.

Энг оммабоп конкурсларнинг кўпи бу йилнинг байрам дастурига ўтди. Масалан, турли тематик бекатлари бўлган “Экологик экспресс”. “Миллий анъаналар” бекати яна томошабинларда алоҳида шухрат қозонди, бу йил болалар камишдан бўйра тўқиш, туя жунидан намат босишни кўрсатди. Ёш авлод маслаҳат ва ёрдам учун ота-оналарга, ҳамда халқ анъаналарини давом эттирувчи буви ва боболарига мурожаат қилиши муҳим натижа бўлди.

Бу билан “Сайғоқ куни” авлодлар ўртасидаги алоқани тиклаш ва мустаҳкамлашга, адолатсиз эрдан чиқарилган халқ анъаналари ва хунарларини қайтаришга имкон беради дейиш мумкин. Катталар эса сайғоқ химоясига жамоат фикрини шакллантириш бўйича бутун жараённинг бевосита қатнашчилари бўлиб қолади. Жаслик посёлкасида болалар командалари билан баравар конкурс мусобақаларида мактаб ўқитувчилари командасининг қизиқиш ва кўтаринки руҳ билан қатнашиши байрамнинг унга даража қўшган муҳим томони бўлди.

“Сайғоқлар химоячиси” марафони 54-сон мактабда бу йилнинг қизиқарли топилмаси бўлди, бунинг устига бу ташаббус катта синф ўқувчилари – “Акбокен” Чўл клубининг аъзоларидан чиқди.



Н. Шивалдова сурати

Экологик экспресс, “Анъаналар” бекати. Қирқ-Қиз посёлкаси.



Улар сайғоқлар қандай қилиб чўлда жазирама офтоб остида югуриши мумкинлигини ўзларида хис қилиб кўришга қарор қилди. Албатта, ташкилотчилар маршрутни болалар учун иложи борича хавфсиз қилиб тузди. Йўлда столларда сув турарди, марафончиларни шифокор ўтирган машина кузатиб борди. Марафончиларнинг ҳар бири истаган пайтида дистанциядан тушиб қолиши мумкин, бироқ болалар ғайратга тўла эди. Натижада командалар финишга тўлиқ етиб келди! Марафондан кейин таассуротларни муҳокама қилиш унинг муҳим томони бўлди, ҳамма бошдан кечирганларини мажбуран сайғоқ чўл кенгликларини кесиб ўтиши билан киёсларди. Сайғоқ қанчалик яхши мослашгани ва ўрганиб кетганини янада кўпроқ тушуниш, табиатнинг бу ажойиб жонзодига хурматни оширарди.



Н. Шивалова сурати

Қирқ-қиз посёлкасидан кичкина артистлар.

завучи Шайменов Садирбайга мурожаат қилдим. Сиз учун “Сайғоқ куни” нимани билдиради?

- “Бу бутун мактабимиз, бутун посёлкамиз учун муҳим ҳодиса. Биз унга маъсулият билан қараб, кўп ижод намоён қиламиз. Бу йил байрамни тайёрлашга мактабнинг деярли ҳамма ўқитувчилари ёрдам берди. Бизга сайғоқни сақлаш ишига қўлдан келган ҳисса қўшиш имкони берилганини ҳамма тушунади.” Биз нима қила оламиз? Биз она табиатга, унинг ноёб намояндаларига нисбатан муҳаббат уйғотоламиз. Яна сайғоққа бўлган ғарзли муносабатни ғамхўрликка ўзгартира оламиз” – дейди Садирбай.

Қирқ-қиз посёлкасида тантана сайғоққа бағишланган мадҳиядан бошланади, Чўл клубининг аъзолари уни, бир-бирини қўлидан ушлаб, она тилида ижро этди. Бутун зал асосий қаҳрамони сайғоқ бўлган расм, плакат, қўлда тайёрланган буюмлар галереясига айланди. Бу ерда ҳам кашта, ҳам дондан тузилган мозаика, ҳам пластилин ва ойнадан тайёрланган картиналар, ҳам болалар ўйлаб топган ва ўз қўллари билан тайёрлаган суратли китоблар бор.

Байрам давом этади, катнашчилар Экологик экспресс бекатларида билимдонлик, эпчиллик ва билармонликда беллашмоқда. Конкурслар концерт номерлари билан навбатлашиб турибди. Ҳаммаси жуда завқли ва жўшқин. Бироқ битта концерт номери ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. Бу, қаҳрамонлари, сюжети, катта маҳорат бор, ҳақиқий мусикий спектакль. Биринчи сахна: сайғоқлар оиласи майсазорда ўйнайди, отаси ва онаси болаларидан хурсанд. Иккинчи сахна: қуролли одам чиқади, ота-сайғоқ оиласининг химоясига туради ва ҳалок бўлади. Учинчи сахна: сайғоқчалар кичкина

шоҳчаларини браконьерга ўқталиб, она-сайғоқни химоя қилади, одам чекинишга мажбур. Ушбу мини-спектакль қўйилаётганда мен кўзимни артистлардан томошабинларга ўтказдим: катталар ёшини артар, кичкинтойлар анграйиб, кўзларини ижрочилардан узмасди. Бошида бир мунча четлашиб ўтирган ёши катта болаларнинг муносабати ҳайратда қолдирди. Бу ерда улар деярли кўзларини узолмасди, кўзларида ёш ялтирар, бироқ уларни матонат билан ушлаб турарди, ахир йигитларга йиғлаш ярашмайди-ку. Мана санъат кучи нималарга қодир, қандай муҳим тарбиявий аҳамиятга эга бундай тадбир, эҳтимол у таъсири бўйича оддий мактаб дарсидан 10 баравар



Н. Шивалова сурати

Жаслик посёлкасида Сайғоқ кубогининг ғолиблари.

Куёш шафакка оғиши билан кун қизиғи пасайишни бошлади, Жаслик посёлкасининг аҳолиси оилалари билан ёзги эстрада томон йўл олди. Қулай курсичаларда болалар ота-оналари билан жойлашди. Энг фахрий жойларга оқсоқоллар ўтирди. Концерт номерлари турли конкурс ғолибларини тантанали мукофотлаш билан алмашлаб турди. Соврин ва эсдалик совғаларини посёлканинг хурматли инсонлари: посёлка жамоа кенгашининг раиси, мактаб директори, оқсоқоллар топширди, бу ушбу ҳодисага яна ҳам кўпроқ тантанаворлик ва мановилик бахш этди. Жаслик посёлкасида концерт программаси ва байрамнинг ўзи болалар боғчаси тарбияланувчилари ижро этган кичкина сайғоқчалар рақси билан якунланди.

Муסיқа тинчиб, тадбир меҳмонлари ва қатнашчилари уйларига тарқалишни бошлаганда мен кичик синифлар



Н. Шивалова сурати

Нукус ш. Сайғоқ куни қатнашчилари.



кучлироқдир.

Сайғоқ кунига Gala-Film ижодий гурухи атайин тайёрлаган видеоклип (юқорида қар.) – машхур қорақалпоқ ашулачи ва композитори Коблан Эденбаевнинг мусикий саломи байрам чўккиси бўлди. Барча болалар, бир-бирларини кўлини ушлаб, биргалишиб экрандаги ашулачига жўр бўлди. Байрам тугаганидан сўнг мен 31-сон мактабда “Яшил патруль” Чўл клубининг раҳбарлари ва экологик байрам ташкилотчилари, иккита ёш ўқитуви Насиба Абдраманова ва Нигора Наримбетоваларнинг ёнига келдим. Биринчи савол, албатта, ҳамма томошабинларни хайратга солган, кичкина сайғоқчалар тўғрисида рақс спектакли ҳақида бўлди.

-Спектакль муаллифи ким? “Сюжетни ҳаммамиз, катталар ва болалар, биргаликда ўйлаб топдик. Бирга костюмлар тайёрладик ва рақс постановкасини қилдик”.

-Нима учун сайғоқлар браконьердан ўзларини ўзи химоя қилишга мажбур эди?

- Бунинг юзасидан бизда кўп тортишув бўлди, - дейди Нигора Наримбетова, - бироқ болалар кўролли одам олдида сайғоқнинг бутунлай химоясизлигини кўрсатишга қарор қилди. Бечора ҳайвонларни ўлдиришга чўлга борган одамларга уят бўлсин. Дарҳақиқат, “боланинг оғзидан ҳақиқат чиқади”... Шунингдек “Баркамол авлод” Қорақалпоқ туризм, ўлкашунослик ва экология болалар марказининг кўшимча таълим бўйича болалар тўғарақларининг



Н. Шивалова сурати

Ўқувчилар “Сайғоқлар кўчишда” ўйинининг стартида, Нукус ш.

раҳбарлари томонидан тайёрланган ўзига хос конкурслар бизда катта таассурот туғдирди. Масалан, “Ўз сайғоғингни ярат” машқи. Чизилган сайғоқ шакли пазлларга кесилган. Доскада болалар кўзлари ёпиқ ҳолда сайғоқ шаклини йиғиши ва елимлаши керак. Барча пазлни тезроқ ва аниқроқ йиққан ютади. Байрамда сайғоқчалар ҳақида балетнинг яна битта янги, жуда таъсирли ва самимий нақлини ҳамда сайғоқ сиймоси туширилган расмлар ва бисер, кигиз, похолдан қўлда тайёрланган буюмлар галереясини кўрдик.

Бу йил байрам янги тус олди, қаердадир жўшқин, қаердадир гавжум, қаердадир чуқур мазмунли ва сермулохаза бўлди. Қаердадир эса, ажойиб ва гўзал химоя ва тушунишни талаб қиладиган она табиатнинг дунёсига эшикни бир оз очди.

## Ноёб мўғул сайғоғини овлаган браконьерга ҳукм чиқарилди

Чимеддорж Б., WWF-Мўғулистон, [chimeddorj@wwf.mn](mailto:chimeddorj@wwf.mn)

Жуда ноёб мўғул сайғоғини браконьерча овлаш ҳоли жорий йилнинг 22 январида Гоби-Олтой аймағи Хухморит сомонининг Товгор деган жойида содир бўлди. Жиноят “Ирвес-3” браконьерликка қарши отряди, “Сайғоқ инспекцияси” тармоғи ва Гоби-Олтой аймағи полиция бўлимининг биргаликдаги ҳаракатлари билан қисқа вақт ичида очилди. Бу йўл қўйиб бўлмайдиган жиноят Хухморит сомони яшовчиси А. Ганпурев томонидан содир этилган. Суд жиноятчини

уч йилу ўн кунлик қамоқ жазосига ҳукм қилди. Ишнинг судда кўрилиши Хухморит аҳолиси учун очиқ бўлди. Аввал ноқонуний ов тўғрисида ишларни очиқ судда кўрилиши Шарга ва Тугрог сомонларида ўтказилган. Табиат ва ёввойи ҳайвонларнинг химояси ҳар бир инсоннинг иши бўлиб қолиши керак. Бироқ, афсуски, баъзи очкўз ва худбин одамлар, браконьерлик билан шуғулланиб, Она-Табиатга зарар етказишни давом эттиряпти.



Г. Олиббаев сурати

Олиб қўйилган браконьерлар ўлжаси.

Бу ерда баён қилинган каби очиқ ошкор суд мажлислари потенциал браконьерларга улар содир этаётган жиноятлари учун жавоб беришлари тўғрисида очиқ сигнал юборади, ҳамда келажакда бундай жиноятларнинг олдини олишга мўлжалланган.

# Сайғоқ бўйича ресурс маркази сайтининг янгилиниши

Дорвард Л., Дамерелль П., SCA, [www.saigaresourcecentre.com](http://www.saigaresourcecentre.com)

Сайғоқ бўйича ресурс маркази (СРМ) бутун дунёда сайғоқ муҳофазаси бўйича онлайн-марказ тузиш мақсадида ривожланишни давом эттиряпти. Сайт сайғоқни сақлаш билан боғлиқ оммабоп суратлар, видео, адабиёт ва таълим ресурсларининг катта ва ўсиб бораётган архивига эга. Шунингдек фаолияти сайғоқ билан боғлиқ бўлган олим ва экологларнинг “эксперт профили”, ҳамда сайғоқнинг муҳофазаси бўйича лойиҳаларни тавсифлайдиган “лойиҳа профиллари” ҳам мавжуд. Улар бутун дунёда сайғоқни муҳофаза қилиш соҳасида олиб борилаётган иш тўғрисида маълумотлар алмашинувини осонлаштириб, мутахассисларга ўхшаш соҳа ёки лойиҳаларда ишлайдиган одамлар билан алоқа қилишга ёрдам беради.

СРМ одатдаги иши сайтининг рус, қозоқ ва хитой тилдаги саҳифаларини, уларнинг мазмунини шу тиллар соҳиблари учун тушунарли қилиш учун, яхшилашга қаратилган. Шунингдек аниқ маълумот кидирувини осонлаштириш йўли билан, ҳамда хорижий адабиётлар кенг кутубхонасини киритиб, адабиёт бўлимини

яхшиламоқчимиз. Бундан ташқари, сайт форуми ишга туширилишга деярли тайёр. У эколог ва сайғоқ химоячиларига бутун дунё бўйича осон алоқа қилиш ва музокаралар ўтказишга имкон беради.

Агар сиз сайғоқни ўрганиш ёки сақлаш соҳасида ишласангиз, илтимос, аъзо бўлиш ва ўз профилларингизни қўшиш учун СРМ сайтига кириш. Сайтда экологларнинг фақат катта сони мавжудлигида бутун дунё бўйича экологлар кенг тармоғини кура оламиз.

Сайғоқ бўйича ресурс марказининг аъзоси бўлиш учун [saigaresourcecentre@gmail.com](mailto:saigaresourcecentre@gmail.com) электрон почтаси орқали, тўлиқ исмингизни кўрсатиб хат юборинг ва сизга фойдаланувчи номи ва сайт учун пароль берилади. Фойдаланувчи номи ва пароль сизга мутахассислар (<http://www.saigaresourcecentre.com/specialist-resources/>) бўлимига киришга имкон беради, бу ерда сиз сайғоқ бўйича эксперт сифатида маълумотларингизни ва сайғоқнинг муҳофазаси бўйича иштирок этаётган лойиҳаларингизнинг деталларини қўшишингиз мумкин.

## Матбуотдан

### Сайғоқлар “туғруқхонаси” Степной заказнигида муҳофаза остида

Астрахань области Лиман районида жойлашган “Степной” заказнигида сайғоқларни йил давомида кузатиш мумкин. Охириги бир неча йил бу ҳайвонларнинг қўзилаши айнан шу ерда ўтади. Астрахань области Табиатдан фойдаланиш ҳамда атроф муҳитни муҳофаза қилиш хизмати ва заказник маъмурияти қўзилаш подаси жойлашган худудни периметри бўйича кечаю-кундуз кўриқлашга қарор қилди. Ушбу зона шартли “туғруқхона” деб эълон қилинди ва худудга киришни тақиқлайдиган тегишли белгилар ўрнатилди. Дастлабки баҳолаш бўйича қўзилаш подаси 3 мингдан 3,5 минггача бошдан иборат. Ургочилар кучга кирган сайғоқчалар билан қўзилаш зонасидан чиқа бошлаганидан сўнг кўриқлаш зонасини “Степной” заказнигининг чегарасигача кенгайтиришга қарор қилинди. Сайғоқларни кечаю-кундуз муҳофаза қилиш ишида заказник инспекторларига Лиман райони полицияси ходимлари ёрдам берди.

Батафсилроқ

<http://nat.astrobl.ru/press-release/otel-saygaka-na-territorii-zakaznika-stepnoy-astrahanskoy-oblasti-da>.

**Тахририятдан:** 5 июнь куни Астрахань области губернатори Эколог куни муносабати билан ва ишидаги ютуқлар, юқори профессионалик учун “Степной” заказнигининг директори Владимир Калмиковни фахрий ёрлик билан тақдирлади. Сайга Ньюс тахририяти Владимир Калмиковни бундай юқори мукофот билан қутлайди!

### Қозоғистонда сайғоқлар сони 1/3га ошди!

Олдинги йиллардагидек, баҳор даврида Қозоғистон худудида сайғоқларни авиа ҳисобга олиниши ўтказилди, унинг яқунлари бўйича сайғоқларнинг ҳимояси бўйича қабул қилинаётган чораларнинг самарадорлиги тўғрисида гапириш мумкин. Ҳисобга олишлар Қозоғистоннинг ҳайвонот дунёси ресурсларини сақлаш, қайта тиклаш ва улардан оқилона фойдаланиш дастури доирасида 2014 й. 9 апрелдан 1 майгача ўтказилди. Уларда “Қозоғистон биохилма-хилликни сақлаш ассоциацияси” РОО, “ПО Охотзоопром” РКПП, ҳамда ўрмон ва овчилик хўжалиги област худудий инспекцияларининг ходимлари иштирок этди. 230 учир соати давомида ҳисобга олиш гуруҳи бу антилопанинг Қозоғистондаги учта – Бетпақдала (Қараганда ва Қостанай областлари худуди), Устюрт



Е. Полоцкий сурати



(Актюбинск области) ва Урал (Шимоли-Қозоғистон области) популяциясининг ҳаммасини текширди. Сайғоқларнинг сони ўтган йилга нисбатан 37%га ўсган, хайвонларнинг умумий сони эса 256 мингдан ортик зотни ташкил этади. Туёқлиларнинг энг кам сони 2003 йилда белгиланган ва атиги 21 минг зотни ташкил этган.

*Батафсилроқ*

<http://www.newskaz.ru/society/20140613/6604841.html>,

[http://www.kazakh-](http://www.kazakh-zerno.kz/index.php?option=com_content&task=view&)

[zerno.kz/index.php?option=com\\_content&task=view&](http://www.kazakh-zerno.kz/index.php?option=com_content&task=view&)

[amp;id=92273&Itemid=108](http://www.kazakh-zerno.kz/index.php?option=com_content&task=view&) ва бошқ.

## **Қозоғистонда ноқонуний сайғоқ ови уюшган жиноятчилик тусини олди**

Қизилўрда области прокуратурасининг хабарига кўра 2014 йилнинг бошидан ноқонуний сайғоқ овининг иккита далили аниқланган. Браконьерлар шохлари кесиб олинган 20 хайвонни йўқ қилган. Прокуратура ходимларининг фикри бўйича Қизилўрда областида сайғоқларни отиб олиш билан шуғулланадиган уюшган жиноий гуруҳ ҳаракат қилмоқда. Жиноятчилар сайғоқни учта босқичда овлайди: биринчи гуруҳ хайвонларни отиб олади, иккинчиси – шохларни арралаб олади ва йиғади, учинчиси – уларни чегарадан ўтказилади.

Хайвонлар популяциясини сақлаб қолиш учун, жиноятчилар томонидан йўлга қўйилган шохларни Алматига, у ердан Хитойга ташиб ўтиш каналларини бекитиш керак деб ҳисоблайди прокуратура ходимлари. Шох овчилари ов инспекцияси ҳар доим ҳам етиб ололмайдиган замонавий внедорожникларда юришининг далили ҳам улар ёлғиз ҳаракат қилмаслигидан гувоҳ беради. Шунингдек жиноятчилар яхши аслаҳа-анжомлардан фойдаланади. Прокуратура браконьерлар гўшти танишларига сотади, ёки у савдо тоқчаларида қўй, от ёки мол гўшти кўринишида сотилади деб ҳам тахмин қилади. Бироқ, сайғоқларни гўшти учун ўлдирадиган браконьерлар шох овчиларига қараганда унча яхши шайланмаганлиги белгиланади. Хатто қишда ҳам уларнинг баъзилари овга мотоциклларда чиқади.

*Батафсилроқ Россия овчилик газетаси, №4 (1016), январь 2014 ва [http://kazakh-zerno.kz/index.php?option=com\\_content&task=view&id=88400&Itemid=108](http://kazakh-zerno.kz/index.php?option=com_content&task=view&id=88400&Itemid=108) да.*

## **Исковуч итлар контрабанда сайғоқ шохларини топишга ёрдам бермоқда**

Апрелнинг охирида Алмати ш. сайғоқ шохларини қидириш учун кинолог-инструктор ва хизматчи итларни тайёрлаш бўйича тренинг бўлиб ўтди. Тренинг Қозоғистон Республикаси Молия вазирлиги Божхона назорати қўмитасининг Регионал кинологик маркази базасида, РОО “Қозоғистон биохилма-хилликни сақлаш ассоциацияси” (АСБК) ва “Фауна ва Флора

*К. Максимова сурати*



**Сайғоқ шохини топиш бўйича дастурнинг янги битирувчилари тўлиқ ўқитилди ва ишга тайёр.**

## Ўзбекистонда сайғоқ тасвирланган марка чикди

Ўзбекистон почтаси республика ҳудудида яшайдиган ва Ўзбекистон Қизил китобига киритилган ноёб ҳайвонларга бағишланган 2 марка ва почта блокани муомалага чиқарди. “Фауна. Ўзбекистон ноёб ҳайвонлари” сериясига сайғоқ тасвирланган почта блоки киритилди.

Батафсилроқ <http://peterstamps.ru/news/2091>,  
<http://infocom.uz/2014/06/05/vypushhena-novaya-seriya-pochtovyx-marok-fauna-redkie-zhivotnye-uzbekistana/> да.



# Мақолалар

## Биргаликда расм соламиз – Ўзбекистон одамлари ва табиати

Рори МакКенн, [www.rorymccannmurals.com](http://www.rorymccannmurals.com)

*Бу йил баҳорда Ўзбекистонда сайғоқнинг муҳофазасига мутлақо янги ёндашиш апробация қилинди. Британиялик анималист-рассом Рори МакКенн чўлнинг ёввойи табиати мавзусида фреска яратиш мақсадида Қорақалпоғистонга келди. Ўзбекистонлик талаба Ольга Есипова Рорига атрофдагилар билан алоқа қилишга ва расм солишга ёрдам берди. Лойиха гоёси маҳаллий болалар ёрдамида деворларни нақшлаш орқали сайғоқ муҳофазасига муносабатни ўзгартиришдан иборат эди. Фреска регионал мактабларнинг бирида чизилди. Унинг яратилишида кўндан-кўп ўқувчилар иштирок этди. Лойиха бутун дунёда табиатни муҳофазаси бўйича лойиҳаларни молиялаштирадиган Coins for change Дисней фонди (Канада) томонидан қувватланди.*

*“Сиз чизган расм сўзнинг барча маноларида ҳам ажойиб. Сизнинг меҳнатингизни бутун мактабимиз баҳолади. Рори ажойиб рассом, у расмларини илҳомланиб яратади! Ольга эса, ёш бўлиши ва ҳаёт йўлининг бошида туришига қарамай кўп нарсага эришган, ва мен ишонман, уни катта келажак кутмоқда! Рори ва Оляга, уларнинг тиричилиши ва бошқа инсонларни ўз маҳорати билан хурсанд қилиши учун катта раҳмат! Сизнинг меҳнатингиз сўзлардан муҳимроқдир!”*

- Айсулу Джолдасбаева, 37-сон мактаб, Нукус ш.

**Рори МакКенн:** Мен асосан мактабларда деворларни нақшлаш бўйича кенг кўламли лойиҳалар устида ишлайдиган инглиз анималист-рассом. Мен Сейшел ороллари, Австралия, Омон ва Японияда фрескалар чизганман. Ўзбекистонда мақсадимиз чўл табиатини тасвирлайдиган катта расм яратиш учун маҳаллий болалар билан ишлашдан иборат эди. Бу, умид қилишимиз-ча, она табиатга ва айниқса сайғоқни сақлашга болаларнинг муносабатини яхшилашга ёрдам бериши керак эди.

Лойиха бошиданок муваффақиятга маҳкум эди. Биз болалар она табиатига қизиқиш намоён қилиши ва уни сақлашни ўрганиши учун деворни нақшлашдан фойдаланмоқчи эдик. Бу бизга унча қийин бўлмади, чунки кўндан-кўп болалар биз яна нималарни чизишга улгурганимизни кўриш учун ёнимизга тез-тез келиб турди. Уларнинг қизиқувчанлиги чексиз эди, улар умуман дунё тўғрисида кўпроқ билишни хоҳларди, бироқ, ўз табиатининг хазиналари тўғрисида сўзлаганимизда ҳам диққат билан тингларди.



Рори МакКенн – Англиялик профессионал эколог-рассом.





А.Есипов сурати

**Рори ва Ольга Нукус ш. 37-сон мактаб ўқувчилари билан суҳбатлашмоқда.**

Ўқувчилар бирин-кетин суратларни оларди, кичкина қоғоз парчаларига имзо қўйишни илтимос қиларди, бироқ, уларга кўпроқ савол бериш ёқарди. Болаларга шу ёшда хос бўлган ҳаддан ташқари ғайрат ва қизиқувчанлик, уларни айнан ҳозир биохилма-хилликни сақлашга қизиқтириш учун имкон бериши миямга келди. Келажақда бу уларни имкон борича ҳамма жойда атроф муҳитга ёрдам берадиган, экологик жиҳатдан саводли инсон бўлиб етилишга олиб келишига умид қиламан.

Бизнинг ишимиз 8 кун давом этди. Биз сайёғок асосий тур сифатида бўлган чўл экотизимининг муҳим турларини аниқ қилиб чизиб олишдан бошладик. Бу босқичда болалар биз билан бирга расм чизди ва биз уларнинг ишини бошқариб, ёрдамчи-томошабинларимиз саволларининг тўхтовсиз оқимиға жавоб бера олдик. Доимо ўзгариб турган томошабинлар олдида чизишимизга қўшимча қилиб, залда айланиб (баъзида ўзининг рагли томчиларини қўшиб) учиб юрган узунқанотлар ва шу хонада миллий рақс билан шуғулланадиган болалар синфлари ҳам бизга қўшилиб турарди.

Шундай қилиб, мен ўзимдан кейин фреска қолдирдим. Умид қиламан, у қўп йиллар давомида илҳом манбаи, таълим воситаси бўлиб хизмат қилади, ҳамда минглаб ёшларда жонли табиатга ва унинг муҳофазасига ижобий муносабатни тарбиялашга ёрдам беради. Менда Ўзбекистоннинг ажойиб чўл табиатини чизиш жараёни тўғрисида, қутилмаганда қандай қилиб аънавий тўй маросимининг муҳим қисми бўлиб қолганим тўғрисида ва, аввало, Нукуслик ажойиб ўқувчилар билан муносабатимиз тўғрисида кўплаб бахтли хотиралар қолади.



А.Есипов сурати

**Болалар деворни нақшлаш жараёнига берилиб киришди.**

Сайёғокларнинг омон қолишига умидлари айнан уларга боғлиқ. Менинг умидларим жуда катта.

Мен ажойиб лойиҳанинг қисми бўлиб қолдим ва бундай лойиҳа пайдо бўлгани ва амалга оширилгани учун Э.Дж. Милнер-Гулландга; сафаримни ташкиллаштиришдаги ёрдами учун Карлин Самюэлга; Елена Бикова ва Александр Есиповга уларнинг меҳмондўстлиги ва компанияси учун; Ольга Есиповага унинг жуда соз расмлари, таржима қилишдаги битмас ғайрати ва зўр компанияси учун; ва шунингдек Нукусдаги 37-сон мактабининг персонали ва ўқувчиларига уларнинг меҳрибонлиги, кизиқувчанлиги, ғайрати ва табасумлари учун миннатдорчилик билдирмоқчиман.

**Ольга Есипова:** Мен ўзбекистонлик 18 ёшли инглиз филологияси талабасиман. Охириги бир неча йил мен SCA кўнгилли сифатида ёрдам бераман, чунки менга мамлакатимнинг табиати ёқади. Менинг ишим уни келажак учун сақлашга ёрдам беради деб умид қиламан. Бундан ташқари, мен санъат билан қизиқаман ва рассомлик санъатида бир оз тажрибам бор. Рорининг лойиҳаси билан жуда қизиққаним ва Нукус шахрида фреска яратишда қатнашиш таклифини ғайрат билан қабул қилишим табиий.



А.Есипов сурати

**Рори Жаслик поселкаси болалари учун укулела чалмоқда.**

Нукус мактабига эндигина келган кунимизни эсламан. У мен қутгандан анча катта эди – кейинроқ у ерда икки мингга яқин бола ўқишини билдим. Уларнинг барчаси бизни кўриб ҳайрон бўлишди, бегоналар гуруҳи нима учун уларнинг мактабига тўсатдан келганини ҳеч ким тушунолмасди. Бу лойиҳа, унга болаларни жалб этмасдан эришиб бўлмайдиган, катта таъсирга эга бўлишини хоҳлаганимиз учун, деворни дарҳол нақлашнинг ўрнига, биринчи навбатта, кичик презентация ўтказишга қарор қилдик ва унда лойиҳамизни ҳамда ўзимизни таништирдик. Бу жуда зўр ишлади. Болаларда қизиқиш уйғонди, улар биохилма-хиллик тўғрисида кўпроқ билишни ва бизнинг ишимизда қатнашишни хоҳларди, ҳамда ҳаддан ташқари кўп савол берарди!

Бироқ, вақтни бой беролмасдик ва жуда тез фрескаимиз устида ишни бошлаб юбордик. Эртасига бизга бир нечта ўқувчи қўшилди. Бу пайтгача мен ҳеч қачон дағал ишлов берилмаган юзада расм солиб кўрмаганман, болалар тўғрисида ҳам шундай деб айтиш мумкин, шунинг учун бошида ўзимизни ўзгача ва ноқулай хис этдик, бироқ, расм солганимиз сари бу бизга кўпроқ ёқарди. Ўқувчилар, уларнинг ўқитувчилари ва оналари бизга ёрдам бериш, ёки шунчаки, ҳайвонларни қандай чизишимизни кўриш учун ёнимизга тобора кўп келарди.

Улар бизнинг ёнимизга ҳар бир келганида, биз улар чўлда яшовчи ёввойи ҳайвонлар ва табиатни муҳофазаси тўғрисида яна қандайдир янги нарсаларни билиб олишларига ҳаракат қилдик. Хафта жуда тез ўтиб кетди ва мана мактабдаги охириги кунимиз ҳам етиб келди. Вақтимиз жуда кам эди, шу сабабдан охирида жуда қаттиқ ишлашга тўғри келди, аммо, шунга қарамай, ишимизни битира олдик.

Лойиҳа жуда муваффақиятли бўлди. Биз мактаблариди шундай ажойиб фреска пайдо бўлганидан ва айниқса, унинг яратилишида ўзлари қатнашолганларидан фахрланган бахтиёр болаларни кўрдик. Натижада лойиҳа санъатга қизиқиш ва табиатга муҳаббат уйғотишга ёрдам берди. Болалар табиат муҳофазасига бўлган муносабатларини жиддий қайта кўриб чиққанини кўриш имкони мен учун энг катта мукофот бўлди. Ушбу муваффақиятли тажрибани маҳаллий аҳоли орасида сайғоқ муҳофазасига бўлган жавобгарликни ошириш мақсадида, унинг бошқа яшаш жойларида қўллаш мумкинлигига ишонгим келади.

Мен ота-онам Елена Бикова ва Александр Есиповга лойиҳага таклиф қилганлари, унинг якунигача доимий ёрдам бергани учун; Рори МакКеннга менга ажойиб ўқитувчи ва яхши дўст бўлгани, шунингдек кишининг завқини келтирадиган ғайрати, рассомчиликка муҳаббати ва укулеладаги сеҳрли ўйини учун;



А.Есипов сурати

Арт-объектимиз секин-аста шуҳрат қозонмоқда.

37-сон мактаб ўқувчилари ва ўқитувчиларига тажрибаимизни унутилмас қилгани ва уларнинг баҳосини ошириб бўлмайдиган барча ёрдами учун ўз миннатдорчилигимни билдирмоқчиман.

Чўл табиати тўғрисида фреска яратилишининг видеосини

[https://www.youtube.com/watch?v=v8sup\\_3OQTkI](https://www.youtube.com/watch?v=v8sup_3OQTkI) ва <https://www.youtube.com/watch?v=iqDhLVLhVG4&feature=share> да кўриш мумкин.



А.Есипов сурати

Чўл табиатига бағишланган фреска.

## Сайғоқдан тайёрланган махсулот Хитойда анъанавий хитой табобати бозорида

Цянь Хуань, Айли Кан, Фенглиан Ли

WCS Хитой дастури. Контакт: [ghuang@wcs.org](mailto:ghuang@wcs.org)


2013 й. сентябрида Синцзян провинцияси божхонаси сайғоқ (*Saiga tatarica*) шохи бор 35 қорбоқаси бўлган транспорт воситасини Торугарт КПП орқали Хитойга яширинча ўтишида муваффақиятли ушлаб қолди. Бу сўнгги бир неча йил ичида ҳайвонларга оид махсулот партиясини Хитойга олиб киришининг энг йирик ҳолати. Ҳуқуқни ҳимояловчи органларнинг ҳаракати натижа-сида 4470 шох мусодара қилинди. 2010-2013 йй. даври учун ОАВ он-лайн ҳисоботларининг таҳлили озирлиги умуман олганда 1901,5 кг ташиқил этган сайғоқ шохи контрабандасининг камида 12, жумладан юқорида баён қилинган ҳолатидан далолат беради. Уч жуфт шохнинг озирлиги бир килограмм атрофида бўлишини ҳисобга олганда, бу шохларнинг миқдори 5708 нобуд бўлган сайғоқ эркаларига тенг.

Сайғоқ шохи унинг иситмани туширадиган восита сифатида танилган самарадорлиги учун анъанавий хитой табобатида (АХТ) юқори баҳоланади. Замонавий фармакологик текширувлар ҳам оғир (грипп каби) ва хатто сурункали (рак каби) касалликларни даволашда уларнинг аҳамиятли даволаш таъсирини кўрсатди. Ҳозирги вақтда таркибида асосий ингредиент сифатида сайғоқ шохи мавжуд бўлган, кенг қўлланиладиган ва рецепт бўйича сотиладиган 60дан ортик дори бор. Сайғоқ шоҳига бўлган катта эҳтиёж Хитойни уларнинг энг йирик импортчиси қилади.



Шох савдоси, натижасида популяцияси қиска давр ичида 95%га қисқарган сайғокнинг ўғринча овланишини кўзгатадиган омиллардан бири ҳисобланади. Қисқариш асосан, натижасида жинслар нисбати бузиладиган, эркакларига бўлган ов билан кучаяди. Шунинг учун истеъмолчилар талабини ўрганиш ва сайғокни сақлаш учун кўриш зарур бўлган чораларни муҳокама қилиш жуда муҳим.

WCS хитой дастури доирасида Хитойда анъанавий хитой табобати (АХТ) бозорларида иккита лойиҳа бажарилди. Уларнинг бири (2006-2007 йй.) 14та провинцияда улгуржи, чакана ва чегара бозорларини ўрганишга қаратилган эди (харит. қар.). Сайғок шохи савдоси тўғрисида гап кетганда улгуржи бозорда сотувчиларнинг тўксон икки фоизи (262дан 242си) жуда эҳтиёткор бўлганини аниқладик, бу бундай савдонинг ноқонунийлиги тўғрисида хабардорликнинг юкори даражасига кўрсатади. 121 дўконнинг олтмиш фоизи икки йиллик текшириш вақти давоми, қонуний халқаро савдо тақиқланган пайтда йиғилган шохларни сотган. Ушбу сўроқлашдан кейин WCS Хитойда энг йирик АХТ савдо маркази бўлган Гуанчжоу провинциясида 2009-2013 йй. Цин пинг АХТ бозорларини мониторинглаш узоқ муддатли дастурини ўтказди.



Расм. WCS-Хитой дастури доирасида ўрганишлар ўтказилган районлар.

Илгари хитой ҳукумати миллий стратегияларни чиқариб ва янгилаб, сайғок шохининг ноқонуний савдосига қарши чоралар кўрган. 2007 й. Хитой хайвонларнинг хавф остидаги турларидан тайёрланган маҳсулотлар савдосини жиддий меъёрий-ҳуқуқий асосда тартибга соладиган “Сайғок, калтакесак ва ноёб илонлардан тайёрланган дори воситаларини химоя қилиш ва улардан фойдаланишни кучайтириш бўйича қарор” босиб чиқарди. Шундай бўлса-да, мониторингимиз натижалари кейинги ҳаракатларнинг зарурлигига кўрсатади. Бозор мониторинги сайғок шохига бўлган талабни ва унинг савдосини бартараф этиш учун муҳим компонент бўлиб қолади, ҳамда сиёсатнинг адекват ўзгаришини ва қонунлар бажарилиши устидан самарали назоратни таъминлайди. Бундан ташқари, сунъий кўпайтириш билан боғлиқ бўлган техник қийинчиликларни удалаш учун, сайғокни кўпайтириш бўйича кўпроқ илмий тадқиқотлар ўтказилиши керак.



Бозорни ўрганаётган WCS ходим ва кўнгилчилари.

Сайғок шохини сотиб олиш учта асосий мақсадни кўзлайди: шохлар дори, совға сифатида ёки қимматбаҳо ва ноёб товарга капитал солиш мақсади билан сотиб олинади. Бизнинг узоқ муддатли мониторингимиз туфайли сайғок шохи бозорида маълум тенденциялар аниқланди. Сўнги икки йил давомида совғалар тортиқ қилиш анъанаси сабабли, хитой Янги йилидан олдин сайғокдан тайёрланган маҳсулотга бўлган талаб чўққисига чиққани белгиланди. Одатда совға сифатида ишлатиладиган бутун шох ва унинг қисмларини бозорда кўпроқ хитой Янги йили олдида кузатса бўларди. Бундай шохларнинг нархи 2009 йилдан 2013 йилгача 1,5 баравар ошган.



АХТ бозорида сотилаётган бутун шохлар (ўнгда) ва қисмлари (чапда).

### Миннатдорчиликлар

Сайғокни сақлаш бўйича альянсга сайғок популяцияси учун асосий таҳдидларнинг бирини бартараф этишга қаратилган жорий ишимиз жараёнидаги бошқаруви ва ҳамкорлиги учун миннатдоримиз. Шунингдек бозорда ўрганишлар олиб боришга ёрдам берган барча кўнгилчиларга ҳам миннатдорчилик билдирамыз. Лондон Империял коллежидан Э.Дж. Милнер-Гулландга, WCS вьетнам дастуридан Джек Лэмга ва WCS хитой дастуридан Лише Лига ушбу мақолани тақриз қилгани учун ўз миннатдорчилигимизни билдирамыз.

# Астрахань областида куйкиш даврида сайғоқ эркакларини табиатга чиқариш

Н.А.Франов, В.В.Гагарин, М.В.Шиленко

ГБУ АО «ГООХ «Астраханское», [nfranov@rambler.ru](mailto:nfranov@rambler.ru)

Шимоли-Ғарбий Каспий олди (Астрахань области ва Қалмоғистон Республикаси) худудида яшайдиган сайғоқнинг сони ҳаддан ташқари паст даражада қолишни давом этяпти. Бир қатор баҳолашлар бўйича сайғоқ боши бугунги кунга 7 мингдан камроқ зотни ташкил қилиб, секин, бироқ тўхтовсиз пасайиб боряпти. Соннинг умумий пасайиши контекстида, баъзи баҳолашлар бўйича умумий сондан 1 %гача ташкил қилган жинсий балоғатга етган эркаклари сонининг турғун пасайиб бориши катта ташвишга солади. Илгари, ҳатто қаҳратон қишлардан кейин ҳам, жинсий балоғатга етган эркакларининг улуши, кейинги 10-25 %гача ўсиши билан, 3-5 %дан пастга тушмаганини белгилаш зарур. Ҳозирги вақтда сон бундай тикланмаяпти. Бу ҳолатда қочмаган урғочилар сонининг муқаррар ўсиши умумий салбий тенденцияни кучайтиради.

2001 й. Россия Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Ов департаменти томонидан “Астраханское” давлат тажриба овчилик хўжалиги (ГБУ АО “ГООХ “Астраханское”) базасида “Сайғоқ” питомнигини ташкил қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган эди, 2003 й. эса у ерга биринчи сайғоқлар олиб келинди (Saiga News-11 қар.). Ҳозир питомникда турли жинс ва ёшдаги 31 зот мавжуд.

2013 й. Шимоли-Ғарбий Каспий олди худудида яшовчи сайғоқ популяциясининг сонини тиклаш мақсадида, Астрахань области Табиатдан фойдаланиш ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш хизмати томонидан Астрахань области худудида табиий яшаш муҳитига “Сайғоқ” питомнигидан эркак сайғоқларни репатриация қилиш бўйича 2013-2015 йилларга идоровий дастур қабул қилинди. Дастурда табиий муҳитга куйкиш даврида эркакларини мунтазам равишда чиқариш заруратининг батафсил асоси келтирилган, тайёрлов тадбирлар (жумладан карантинлаш, вакцинация, катта майдонли мослашув кўтонларида ортиқча тутиш), чиқариб юбориш методикаси (жумладан чиқарилаётган ҳайвонларни йўлдошли перадачликлар билан белгилаш) тавсифланган, ушбу йўналишда кейинги фаолиятнинг дастлабки самараси ва истиқболлари баҳоланган. “Сайғоқ” питомнигининг битта жинсий балоғатга етган эркаги питомник шароитида 20-25 урғочини уруғлаши мумкинлигини кўрсатган иш тажрибаси ушбу Дастур учун асос бўлди. Бундай кўрсаткичларнинг табиий муҳитда ҳам сақланиб қолишида, битта жинсий балоғатга етган эркагининг чиқарилиши 30-40 кўшимча сайғоқчаларнинг туғилишига олиб келиши мумкин.

Ушбу Дастур доирасида режалаштирилган тадбирларни амалга ошириш жараёнида 2014 й. январда биринчи марта “Сайғоқ” питомнигидан 2012 ва 2013 йилларда туғилган иккита сунъий ўстирилган эркаги Астрахань области “Степной” заказнигининг худудида ёввойи популяцияга қўйиб юборилди. Бундай турли ёшдаги ҳайвонларнинг қўйиб юборилишида 2012 й.т. эркаги жорий йилда куйкишда иштирок этиши, 2013 й.т. эркаги эса табиий муҳитга мослашиши ва жинсий



Н. Франов сурати

## 2013 йилда туғилган сайғоқ эркаги питомникдан чиқаришдан олдин.

балоғатга етиб, кейинги йил куйкишда қатнашиши мўлжалланган эди.

Чиқариб юборилган сайғоқлар силжишининг мониторингини ўтказиш учун Астрахань области бюджети ва ГБУ АО “ГООХ “Астраханское” амалга оширадиган даромад келтирувчи фаолиятининг маблағлари ҳисобидан “Argos/GPS” йўлдош системасининг “Пульсар” радиомаякли (ЗАО «ЭС-ПАС», Россия, Москва) иккита бўйинбоғи, ҳамда тегишли дастурий таъминоти сотиб олинди. Техник характеристикаларига мувофиқ, бўйинбоғлардаги радио ускуна таъминлаш элементларининг эксплуатация мuddати ўртача 6 ойни ташкил этади.

Ҳайвонларни “Степной” заказниги худудида чиқариш жойига етказиш учун, ёпиқ тент кузовли автомобилда олиб борилган алоҳида ташишга мўлжалланган қафаслар тайёрланди. Эркакларининг аҳволи қониқарли деб баҳоланди, жисмоний шикастлар аниқланмади, ҳайвонлар семиз ва яхши жун қатламига эга эди. (1-расм).

Ёввойи сайғоқ подасини қидириш ва чиқариб юбориш учун энг қулай шароитни аниқлашни “Степной” Заказнигининг ходимлари амалга оширди. Сайғоқлар 2014 й. 4 январь кuni, фақат урғочилардан иборат, сони 50 бош атрофида бўлган пода аниқланганда чиқариб юборилди. Чиқариш Астрахань телевидениеси “Лотос” ГТРК суратга олиш гуруҳи томонидан ёзиб олинди, [http://lotosgtrk.ru/news/detail.php?ELEMENT\\_ID=2710](http://lotosgtrk.ru/news/detail.php?ELEMENT_ID=2710).

2013 й. т. эркагининг силжиши тўғрисида биринчи маълумотлар 10 январда олинди. Эркак афтидан гуруҳларнинг бирига қўшилиб, доимий ҳаракатда эди. Ҳаракат треклари жой харитасига ётказилганда, сайғоқлар кунига ўртача 13 километргача бўлган масофани босиб ўтиши маълум бўлди. Асосан бу Қалмоғистон Республикасининг Ацан-Худук манзилгоҳи, “Степной” Заказниги худудидаги “Волга” табиий чегараси ва Астрахань областининг “Двадцатка” чорвачилик манзилгоҳи орасидаги худуд (харита-схемани қар.) эди.



“Степной” Заказниги ҳудуди бўйича сайғок подаларининг силжишини визуал кузатиш бўйича, чиқариб юборишдан кейин бир неча кун давомида бу ерда сайғоклар сони, хайвонларнинг кўшни ҳудудлардан кириши ҳисобидан, мунтазам ошиб борган (150-200 бошдан иборат подалар кузатилган). Чиқариб юборилган 2013 й. т. ёш эркаги сони 70 бошга яқин бўлган бундай подаларнинг бирида дурбиндан кузатилган, ушбу гуруҳда бошқа эркаклар кузатилмаган. Ташқи белгилар бўйича эркакнинг аҳволи қониқарли бўлган. 17 январда чиқарилган сайғок “Чёрные Земли” кўриқхонаси чегарасида “Волга” табиий чегараси (“Степной” Заказниги) районида куза-


тилган, бу спутникдан олинган маълумот билан тасдиқланади. Бу маҳалда у ҳолдан кетганди. 19 январдан 22 январгача бу эркак радиомаягининг сигнали “Чёрные Земли” кўриқхонаси ҳудудидаги битта нуқтадан келиб турди, 23 февралдан эса у бутунлай келмай қўйди. 4 март куни “Степной” Заказниги ва “Чёрные Земли” кўриқхонасининг давинспекторлари биргаликда қидирув ишларини бошлади. Радиомаякли бўйинбоғ “Волга” табиий чегарасидан ғарбга 12,5 км масофада “Чёрные Земли” кўриқхонаси чегарасидан 6 км да топилди. У йиртиб ташланган эди, унинг яқинида эса жун ва суяк парчалари ётарди. Эҳтимол эркак бўриларга ўлжа бўлган.

2012 й. т. эркак бўйинбоғидаги радиомаяк, афсуски, номунтазам ва адашиб сигнал бериб турди. У “Степной” Заказниги ҳудудида (“Двадцатка” чорвачилик манзилгоҳи районида) топилди. Унда бузилган жойлари йўқ эди, шунингдек курашиш излари ёки сайғок қолдиқлари ҳам топилмади. Эҳтимол сайғокнинг ўлими бошқа жойда юз берган, бўйинбоғни эса бу ерга одам олиб келган. Ушбу бўйинбоғдаги радиомаяк ишидаги адашиш хайвонни табиатга чиқариш олдидан уни автомобилда ташиш вақтида юзага келгани аниқланди.



Н. Франиев сурати

Бўри ғажиб ташлаган радиобўйинбоғ.



2013 й. т. сайғокни чиқариш, унинг силжиши ва радиобўйинбоғларни топиш жойларининг харита-схемаси.

Визуал ва йўлдош орқали кузатишларнинг кўшма маълумотлари 2013 й. т. эркак, афтидан, ёввойи популяцияда мослашгани, пода кетидан фаол кўчиб юргани, эҳтимол, ёшлигига қарамай 14-15 кун давомида куйкишда қатнашгани ва йиртқичларнинг (тахминан бўрилар) қурбони бўлганини кўрсатди. 2012 й. т. эркак ҳам ўз репродуктив вазифасини бажарган деб тахмин қилишимиз мумкин, бироқ дастур ишидаги адашишлар бу тўғрисида ишонч билан айтишга имкон бермайди.

Шундай қилиб, сайғок эркакларини репатриация қилиш бўйича дастурнинг бажарилиши доирасида Шимоли-Ғарбий Каспий олди (Астрахань области) ҳудудида табиий популяцияга сунъий боқилган ва алоҳида тайёрланган сайғок эркакларини биринчи қўйиб юборилиши амалга оширилди. Чиқаришнинг муваффақияти сайғок сонини кўпайтириш бўйича тадбирлар доирасида фаол ҳаракатлар зарулигини тасдиқлайди. Сайғокни Қизил китобга киритиш бўйича узоқ вақт давомида тушаётган таклифлар, бизнинг фикримизча, уни фақат сақланишига олиб келмай, ҳатто, аксинча, сайғокни кўпайтириш бўйича питомниклар ишини қийинлаштиради. Келажакда бу, уларнинг тиришишлари туфайли сайғок ҳали ҳам мавжуд бўлган, овчилик ресурсларини тиклаш соҳасида ишлайдиган овчилик ва бошқа ташкилотларнинг сайғок муҳофазаси муаммосини ечишда иштирок этишдан бош тортишига олиб келади. СССР ва Россияда Қизил китобга киритилган хайвонларнинг ҳали биттаси ҳам ўзининг дастлабки сонини тикламагани маълум. Ўз навбатида, дунё тажрибаси популяцияларнинг *in situ* ҳам, *ex situ* ҳам саводли менежменти, айниқса бу иккала ёндашишнинг қўшилиши йўқлиб бораётган турлар сонини барқарор тикланишининг калити бўлишини мутлақо аниқ кўрсатади.

Муаллифлар ушбу дастурни бажаришда ёрдам кўрсатган “Степной” Заказниги ва “Чёрные Земли” кўриқхонаси ходимларига миннатдорчилик билдиради.


# Устюрт платосида қадимги овчилик қурилмалари

В.Н.Ягодин, Ш.Ш.Амиров


ЎзР ФА Қорақалпоқ бўлими. ЎзР ФА Гуманитар фанлар ИТИ, [yagodin@gmail.ru](mailto:yagodin@gmail.ru)

Устюрт платосидаги қадимги овчилик қурилмалари тўғрисида археологик адабиётда биринчи эслатишлар XX асрнинг ўрталарига тегишли. 1952 й. Хоразм археологик-этнографик экспедицияси гуруҳларидан бири Хантерсек (Ербурун) кўҳна шаҳри ва унга туташган жой яқинида, С.П.Толстовнинг тахмини бўйича, туёқли ҳайвонларнинг оммавий турларини қуршаб олиб овлашга [Мух. ҳайвонлар қўрқитилади ва овчилар томонга ҳайдалади ёки қопқонга ҳайдаб киргизилади] мўлжалланган қурилмаларни аниқлаган.

XX аср етмишинчи йилларнинг бошида ЎзССР Фанлар Академияси Қорақалпоқ филиалининг археология бўлими томонидан Устюрт платосини археологик ўрганиш бўйича узоқ муддатли дастур бошланган. Текшириш жараёнига барча хронологик гуруҳ ва тоифалардаги ёдгорликлар, жумладан аранлар - қадимги овчилик қурилмалари [Мух. қорақалпоқ Устюртида жойлашган аранлар тўғрисида қисқа маълумот SN-16 босиб чиқарилган эди] жалб этилган. Аэрофотосъёмка ва кейинги харитага ўтказиш усулини қўллаш билан кўп йиллик археологик-топографик текширишлар натижасида “Найзасимон планировкалар шимол-устюрт тизими” номини олган қадимги қурилмаларнинг катта тизими очилган. Найзасимон планировкалар Устюрт платосининг Шарқий чинкида, Дуона бурнидан 7 км шимолроқда бошланиб, Косбулак ва Асматай-Матай окмас шўрхок ботиғлари йўналишида шимол-ғарбга занжирсимон чўзилиб жойлашган. Аниқланган овчилик қурилмаларининг тизими I кичик тизим ва II кичик тизимга бўлинган, уларнинг ҳар бири алоҳида планировкалардан иборат бўлган (1-расм).



1-расм. Устюрт платосининг масофавий текширилган участкаси.



2-расм. Найзасимон планировкаларнинг Шимол Устюрт тизими. Космосурат бўйича план.

Тизим ёввойи туёқлилар, жумладан сайғоқларнинг ҳам “бутун популяцияларини”, уларнинг мавсумий кўчиш йўлларида ушлаб қоладиган “пассив” деб аталмиш ов шакллари мўлжаллангани аниқланган.

Космосдан суратга олиш, компьютер техникаси ва геоинформатиканинг ривожланиши билан тадқиқотлар учун найзасимон планировкалар тизимини, у эгаллаган бутун ҳудудда ўрганишга йўл қўйган, янги имкониятлар очилди. Ҳудуд Google Maps ва Bing Maps дастурлар ёрдамида масофавий ўрганилди, [TopoMapper.com](http://TopoMapper.com) ва [Marshruty.ru](http://Marshruty.ru) сайтларида жойлаштирилган хариталар топографик асос бўлди. Космосурат ва топохариталарнинг шарҳи SASplanet ёрдамида амалга оширилди. Натижада, найзасимон планировкаларнинг ўтган асрнинг 70-чи йй. рўйхатга олинган ва ўрганилган иккита гуруҳидан ташқари, илгари маълум бўлмаган яна ўн иккита гуруҳи топилди (2-расм). Умуман олганда найзасимон планировкалар узунлиги шарқдан ғарбга

155 км ва шимолдан жанубга 82 км ташкил этадиган катта ҳудудни эгаллайди (2-расм). Ўрганилаётган қурилмалар гуруҳи жануби-шарқдан шимол-ғарбга чўзилади ва Орол денгизи, Косбулак ва Асматай-Матай шўрхок ботиғлари ҳамда платонинг ғарбий чинки орасидаги бўшлиқни босади (2-расм). Гуруҳлар учта типга бўлинади (3-расм):


I-тип. Орол-Каспий денгиз оралиғи найзасимон планировкаларининг мавжуд бўлган таснифида ушбу тип археологик адабиётга классик “найзасимон планировкалар” сифатида кирган қурилмалар билан намоиш этилган. Бу, қурилмаларнинг энг кўп сонли типи. I-типтаги найзасимон планировкалар:



кириш йўли ғарб ё шарққа оғиш билан шимолга ёки шимолий йўналишга (шимолий сектор) қаратилган “найзалар” ва кириш йўли жанубий йўналишга (жанубий сектор) қаратилган “найзалар”га бўлинади. Бундай типдани қопқонлар ёввойи ҳайвонлар феъл-атворининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қурилиб, мавсумий кўчиш йўлларида жойлашган. Улар одамларнинг ов жараёнига минимал аралашини талаб этган. Кириш йўллари ва “найзалар” шимолга қаратилган ҳолларда, қурилма кузги кўчиш даври, ҳайвонлар жанубий


йўналишда ҳаракатланганда фаоллашган. Кириш йўллари ва “найзалари” билан жанубга тўғриланган қурилмалар баҳорги кўчиш даври, ҳайвонлар шимолга ҳаракатланганда “ишлаши” керак бўлган. Овчилик қурилмаларининг ушбу иккита варианты орасидаги миқдорий нисбат ўзига эътиборни тортади. Биринчиси 68та бўлса, иккинчиси фақат 18дан иборат.

II-тип кўриниши бўйича думалок, эллипссимон ёки учбурчаксимон бўлган тўсиқлардан иборат. Ушбу типдаги қурилмаларнинг катталиги 190 x 170 м гача боради. Ҳаммаси бўлиб улар 25га боради.



3-расм. Найзасимон иншоотлар типлари: I тип – 1, 2; II тип – 4, 5, 6; III тип – 3.

Қурилмаларнинг кўпида бир неча бор қайтадан қурилганининг излари рўйхатга олинган (5-расм). Шимолий Устюрт тизимининг юқорида баён этилган чегараларда юзага келишига етарлича узоқ вақт керак бўлгани мутлақо аниқ. Бу тизимнинг қурилиши ва ишлатилиши, албатта, қадимги аҳолининг етарлича катта гуруҳларини узоқ вақт давомида у жойлашган ҳудудда бўлишини талаб этган. Устюртнинг бу районида кўчманчи чорвачилиқдан ташқари найзасимон қурилмаларнинг бутун Шимолий Устюрт тизимини қуриш ва бошқариш, ёввойи ҳайвонларни овлаш ва, эҳтимол, ушбу ов келтирган маҳсулотни қайта ишлаш билан шуғулланган қадимги аҳолининг бу ерда бирмунча узоқ вақт қолиши билан боғлиқ бўлган ибодат-кўмиш характердаги археологик ёдгорликлар (гўртепалар) кўп миқдорда топилган. Найзасимон планировкалари типдаги қурилмалар биринчи марта милoddан аввалги I минг йилликнинг ўртасида пайдо бўлиб, доимо янгидан қурилиб ва мукамаллашиб, эрамининг VII, VIII асрининг бошигача ишлатилиб келади.



Сурат варақадан олинган

4-расм. Буланбай гуруҳи қурилмаси, шимол-шарқдан кўриниш.

III-тип Косбулак ва Асматай-Матай шўрхок ботиғлари орасидаги ораликда жойлашган (4-расм) ва ушбу ораликда ҳаракатланган ҳайвонлар учун йўлни бутунлай бекитадиган Буланбай, Шийоба ва Джарикпак-2 гуруҳларидаги қурилмалари билан намоиш этилган. Ушбу тип қурилмаларининг катталиги 430 м дан 550 м гача. Қурилмаларнинг бу варианты тузилиши бўйича биринчи типдаги қурилмаларни эслатади: унда ҳам “қоп” ва найзасимон тўсиқлар мавжуд. Улар туёқлиларнинг ҳам баҳорги, ҳам кузги кўчишлари даврида қўлланилган деб тахмин қилса бўлади. Тизимда ҳаммаси бўлиб бу типдаги 7 қурилма аниқланган.

Жуда катта ҳудудни эгаллаган ўнлаб, асосан бир хил найзасимон қурилмалардан иборат бўлган тизим шаклланиши учун жуда катта қуч сарфлашни талаб қилган ва бир лаҳзада пайдо бўлолмаган. Бир қатор белгилар қурилиш турли вақтга мансублигидан далолат беради.



Космосурат (Bing Maps™)

5-расм. Дуона эски қабристонидан янгидан қурилган найзасимон планировкалари.

Орол-Каспий сув айирғичи қадимги овчилик қурилмаларининг тизимида найзасимон планировкалар Шимолий Устюрт тизимини кўрар эканмиз, унинг ушбу регион учун ноёблигини умуман белгилашимиз керак. У овнинг “пассив” деб аталмиш шаклига, яъни, катта кўчиб юрувчи подалари ушлаб қолинган ёввойи ҳайвонларнинг мавсумий кўчиш трассаларида овчисиз овлашга мўлжалланган. Бундай овнинг кўламлари ов маҳсулотларига дастлабки қайта ишлов беришни ташкиллаштиришни талаб қилган ва Устюртда маълум аҳоли гуруҳларининг узок вақт бўлиши билан боғлиқ

бўлган, Дуона эски қабристонини ва овчиликка топиниш учун ибодат иншоотларининг шаклланиши бунинг натижаси бўлади. Устюрт ва Манғишлоқнинг турли районларида бугунги кунга маълум бўлган бошқа овчилик қурилмаларининг аксарияти IX-XIV асрнинг кечроқ вақтига тегишли бўлиб, овнинг “фаол” шакллари мўлжалланган. Улар яқка-яқка жойлашиб, ягона тизимлар тузмайди. Уларнинг қўлланиши билан овнинг “фаол” шакли овнинг “пассив” шаклига нисбатан катта кўламга эга бўлмаган ва, эҳтимол, саноатга эмас қисман спортга оид характерга эга бўлган.

## Сайғоқни сақлаш – ҳаётларининг иши



Ж.Ф. Илгиро сурати

**Юрий Александрович ГРАЧЕВ** – Қозоғистон Республикаси Таълим ва фан вазирлиги Зоология институтининг етакчи илмий ходими, биология фанлари номзоди. Илмий қизиқишлар доираси – экология, сут эмизувчилар, асосан туёқдилар ва йиртқичларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш. Ушбу соҳада иш стажи – 50 йилдан ортиқ (1962 й. бошлаб). Сайғоқ тўғрисида кўп мақолаларнинг муаллифи ва “Сайғоқ (келиб чиқиши, систематикаси, экологияси, муҳофазаси, фойдаланилиши)” Москва, 1998 жамоа монографиясининг муаллифларидан бири. Юрий Александрович – фикрига мутахассислар чуқур ҳурмат билан эътибор берадиган, сайғоқ бўйича оламга машҳур эксперт.

**Мух.: Сиз қачон илк бор сайғоқларга қизиққансиз??**

**Ю.А.:** Сайғоқларни илк бор АН-2 самолётидан - “қуш учадиган баландликдан” 1963 й. ушбу ҳайвонларни авиа ҳисобга олиш вақтида кўришга муяссар бўлдим. Ўша йилларда сайғоқларнинг сони юқори бўлган ва кўпинча, ҳисобга олувчининг кўриш майдонида юзлаб ва ҳатто минглаб чопаётган ҳайвонлар бўлган. Манзара, албатта, таъсирли. Бундан кейин сайғоқларни авиа ҳисобга олишда кўп марта иштирок этишга тўғри келган ва у даврда илмий изланишларимнинг мавзуси бошқа (тоғ туёқдилари, йирик йиртқичлар) бўлса ҳам, мен мамнуният билан, имкон қадар, фақат ҳисобга олишларга эмас, балки сайғоқ экологияси бўйича дала текширувларига ҳам қўшилганман. Бу ажойиб ҳайвонлар деярли сеҳрлаб қўярди.

**Мух.: Қачон сайғоқни ўрганиш ва сақлаш бўйича ишлай бошладингиз?**

**Ю.А.:** Сайғоқни ўрганиш бўйича мавзу бизнинг узок вақт давомида (1978 йилгача) Қозоғистонда сайғоқнинг систематик равишда ўрганилишига асос солган атоқли зоолог-олим Аркадий Александрович Слудский бошқарган сут эмизувчилар лабораториямиз учун устувор бўлган. 1966-1980-чи йилларда сайғоқ экологиясини В.А. Фадеев ўрганган. Ўша йиллардаги текширувларнинг натижалари “Сайғоқ Қозоғистонда” (Фадеев, Слудский, 1982) китобида умумлаштирилган. Виталий Андреевич Фадеевнинг бевақт ўлимидан (1987 й.) кейин мен ҳозирги кунгача шуғулланаётган сайғоқ бўйича мавзунинг маъсул ижрочиси бўлиб қолдим.

**Мух.: Оддий кунингиз нималардан иборат?**

**Ю.А.:** Далада ишлаган вақтда сайғоқларни кузатиш (дурбин, кузатиш трубасидан), ҳисобга олиш маршрутлари, ялпи кўзилаш даврида – сайғоқчаларга белги қўйиш, уларни тортиш, жинсини аниқлаш ва бошқ. вақтнинг кўп қисмини эгаллайди. Шаҳарда – тўпланган материалларга ишлов бериш, ҳисоботлар, мақолалар, мажлислар, конференциялар ва бошқ.

**Мух.: Сайғоқ ҳақида бирон бир қизиқарли воқеа айтиб бера оласизми?**

**Ю.А.:** Сайғоқларнинг баъзида тушунтириб бўлмайдиган қизиқ одатлари кўп. Масалан, сув тўсиқлардан ўтиш... Бир марта баҳорда (майда) лагеримиз Тўғрай дарёсининг соҳилида жойлашган эди. Атрофда сайғоқлар кўп эди, улар кўп марта, ҳеч қандай сабабсиз, дарёни у ёқдан бу ёққа сузиб ўтарди. Улар “чўмилишни яхши кўради” деган таассурот туғиларди. Ноябрда эса, дарё батамом музлашидан олдин, сайғоқлар подаси йўлининг устида чиққан анча кенг қўлни, иккала томондан ҳам айланиб ўтиш жойи яқин бўлганига қарамай, тўхтамасдан кечиб ўтди.

**Мух.: Ишингиздаги асосий муаммолар қандай?**

**Ю.А.:** Энг аввал, илмий текширишларнинг етарли даражада молиялаштирилмаслиги. Шу сабабдан ҳам текширишларга ёш мутахассисларни жалб қилишнинг имкони йўқ.

**Мух.: Ишингиздаги тўсиқларни қандай бартараф этиш мумкин?**

**Ю.А.:** Фақат умуман фанни ва хусусан сайғоқ



бўйича текширишларни давлат томонидан маблағ билан таъминланишини ошириб.

**Мух.: Ишингиздаги энг яхши нарса нима?**

**Ю.А.:** Дала экспедициялари, ҳайвонларни кузатиш имкони, турли давлатлардан сайғоқни ўрганиш ва сақлаш билан шуғулланаётган дўст ва ҳамкасблар билан алоқа қилиш қувонтиради.

**Мух.: Сайғоқларни сақлаш бўйича истикболлар қандай? Бу турга тирик қолишга ёрдам бериш учун биринчи навбатда нима қилиш керак?**

**Ю.А.:** Қозоғистонда ҳозирги вақтда сайғоқлар сони 1990-чи йиллардаги кескин пасайишидан кейин ўсяпти, бу яхшилиққа умидвор қилади. Бироқ, браконьерлик давом этапти, ҳайвонларни касалликлардан ялпи нобуд бўлиш ҳоллари мавжуд. Яхшиям, охириги йилларда сайғоқ касалликларини ўрганиш билан онда-сонда эмас, атайин шуғулланишни бошладилар. Браконьерлик билан мураккаброқ, бу ерда барча ҳуқуқни ҳимояловчи органларнинг биргаликдаги тиришиши керак ва шунингдек аҳоли билан узоқ сердиққат ишлаш керак. Бироқ, янги минг йилликнинг бошида мавжуд бўлган сайғоқни йўқотиш хавфи, назаримда, ўтиб кетди.

**Мух.: Сиз табиат муҳофазаси соҳасида ўнлаб йиллардан буён ишлайсиз. Шу йилларда нималар ўзгарди, бу соҳанинг замонавий тенденциялари қандай?**

**Ю.А.:** Умуман олганда, Қозоғистонда ноёб ҳайвон турларининг муҳофазаси, энг аввал, алоҳида кўриқланадиган ҳудуд – миллий боғ, табиий резерват, кўриқхоналарнинг янгиларини тузиш ва мавжуд бўлганларини кенгайтириш туфайли, яхшиланди. Туёқлилар ноёб турлари (архар, жайрон, қулан, Бухоро буғуси ва сайғоқ) бўйича 2005 йилдан бошлаб, ушбу



Ж-Ф. Ласеро сурати

**Юрий Грачев ва Алин Кюль янги туғилган сайғоқчани тортиб кўрмоқда.**

турларни ўрганиш ва муҳофаза қилишни кўзда тутадиган соҳага оид дастурлар бажарилапти.

## Эълонлар

### Табиатни муҳофаза қилиш соҳасида ёш мутахассислар мукофоти

2014й. июнда табиатни муҳофаза қилиш соҳасида ёш мутахассислар мукофотининг ғолиблари илк бор эълон қилинди, у ҳар йилги бўлиб қолади деб умид қиламиз. Мукофот сайғоқни сақлаш соҳасида ишлаётган ёшларнинг кейинги авлоди ва чўл антилопасининг яшаш ареалида ишлаётган сардорларни кўллаб-қувватлашга йўналтирилган. Мукофот сайғоқнинг яшаш ареалида биргаликда тармоқ қуриш йўли билан сайғоқни сақлашга, уларнинг ҳиссасини рағбатлантириб, ёш мутахассислар ишини молиялаштиради. 2014 й. мукофоти Ёввойи табиатни сақлаш тармоғи (Wildlife Conservation Network) томонидан қувватланди. Бизнинг барча донорларимиз, тарафдорларимиз, ва айниқса, WCN орқали ўз хиссасини қўшган Джой Ковейнинг оиласига миннатдорчилигимизни билдирмоқчи эдик.

Мукофот олишга талабномани сайғоқ яшайдиган мамлакатда яшайдиган ва сайғоқни сақлаш соҳасида ишлайдиган, ёши 18дан 30гача бўлган, ҳар қандай мутахассис бериши мумкин эди. Ҳар бир ғолиб 12 ой давомида уларнинг ишини қувватлашга йўлланган 1000 АҚШ доллари мукофотини олади. Шунингдек ёш

сардорларга SCA ёрдами ва консультацияси тақдим этилади. Май ойида учта сардор танлаб олинди: Ўзбекистондан Ольга Есипова, Россиядан Айгуль Айтбаева ва Мўғулистондан Сергелен Эрдэнэбатар.

Биз ёшлардан кейинги йил давомида ишларини бажаришга ушбу дастур қандай ёрдам бериши мумкинлиги тўғрисида кискача резюме ёзиб, ўзларини таништиришларини сўрадик.

#### Айгуль Айтбаева, Россия.

Сайғоқнинг осон бўлмаган ахволи билан боғлиқ вазият менга жуда таниш, чунки мен Қалмоғистонда худуди Шимоли-Ғарбий Каспий олди сайғоғининг асосий яшаш жойларидан бири бўлган Яшкўл районида туғилиб яшаганман. 2011й. Астрахань давлат университетини тамомлагандан сўнг мен Қалмоғистон Республикаси Ёввойи ҳайвонлар марказида ишлаб бошладим. У ерда сўнгги 3 йил давомида ишлаб, ҳар куни тажрибамни орттираман ва Марказ ишларида янада фаол қатнашаман.



Менинг ишим ҳар хил, бироқ мен кўпроқ экологик таълим соҳасида ихтисослашаман – бу сайғоқ муҳофазаси бўйича болалар учун маърузалар, ҳар йилги “Сайғоқ Куни” байрами каби турли чора-тадбирларни ташкиллаштириш ва Марказимизга тегишли “Яшқўл” питомнигига болалар учун экскурсиялар ўтказиш. Мен Яшқўл п. “Жонли мерос” болалар экологик клубини бошқараман. Келажакда шу каби клубларни бошқа посёлкаларда ҳам тузишни, ҳамда табиатни муҳофаза қилиш тадбирларига кўпроқ ёшларни жалб этишни хоҳлардим.

Табиатни муҳофаза қилиш соҳасида ёш мутахассислар мукофоти 5-7-синф ўқувчилари учун “Ажойиб Кўчманчи” номли рангли буклетни ишлаб чиқишимга ёрдам беради. Ушбу рисола болаларнинг хабардорлигини оширишга, ҳамда сайғоққа ва унинг муҳофазасига қизиқишини кучайтиришга ёрдам беради. “Ажойиб Кўчманчи” олис чорвачилик манзилгоҳларга Сайғоқни сақлаш альянснинг раҳбарлигида бажариладиган турли лойиҳалар доирасида амалга ошириладиган ташрифлар вақтида тарқатилади. Рисолани Қалмоғистон мактабларида ва ундан ҳам кенгрок тарқатиш учун кўпроқ маблағ топишга ҳаракат қиламиз.

**Ольга Есипова, Ўзбекистон.**



Менинг сайғоқни сақлаш соҳасидаги ишим бир неча йил аввал, табиатни муҳофаза қилиш билан илк бор қизиққанамда бошланган. Мен Сайғоқ бўйича ресурс маркази учун инглизча-русча таржималар қилдим ва Устюрт платосига бўлган дала экспедицияларида қатнашдим. Бундай иш сайғоқни сақлашга ўз хиссамни кўша олишимни тушунишимга ёрдам берди, шунинг учун мен SCAга кўнгилли сифатида ёрдам беришимдан бахтиёр эдим.

Кейинги ойларда сайғоқни химоясига қаратилган турли лойиҳа ва тадбирларда қатнашишга муяссар

бўлдим. Менинг вазифаларим Қорақалпоғистон тарихи ва маданияти бўйича маълумотлар тўплаш, Saiga craft сайти учун мақола ёзиш ва шунингдек қорақалпоқ каштаси нақшлари туширилган тасвирларни йиғишдан иборат эди. Мен сайғоқ тўғрисида ашула яратиш, ҳамда видеоқлип олиш жараёнида иштирок этдим, шунингдек фотоқўшқонларга бағишланган семинарларда таржимон сифатида ассистентлик қилдим. Мен расом ва таржимон сифатида иштирок этган маҳаллий мактаблардан бирида муҳим тур сифатида сайғоқнинг расми солинган фресканинг яратилиши бўйича лойиҳа менинг сўнги, ва эҳтимол, энг қийматли тажрибам бўлди.

Менга ёшлар билан алоқада бўлиш жуда ёқадди ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ёш мутахассислар мукофоти вақтимни болаларнинг сайғоққа нисбатан хабардорлигини оширишга йўналтирилган тадбирлар ўтказиладиган чўл клублари ва маҳаллий мактаблар билан ишлаш учун бағишлагга ёрдам беради. Ўтказилиши 2014й. кузига режалаштирилган “Кўчиб юрвчи ҳайвонлар куни”ни мисол сифатида келтириш мумкин. Мен болалар учун топшириқлар тузиш, ҳамда ёввойи табиатни муҳофаза қилиш бўйича дарс ёки чоралар муҳокамасини тайёрлашни режалаштирдим. Яна жойлардаги посёлкалар болалари иштирок этадиган энг яхши экологик лойиҳа танловини уюштиришни хоҳлардим. Менинг фикримча, натижада, бу болаларда табиатга муҳаббат туйғусини уғотиши ва ҳатто ёш экологларнинг янги авлодини илҳомлантириши мумкин.

**Сергелен Эрдэнэбатар, Мўғулистон:**



Мен Мўғулистонда Ховд провинциясида яшайман ва “Алтаин Нуделчид” ИИЧБ ҳамда WWFда ишлайман. 2013 й. июнидан бошлаб сайғоқни муҳофаза қилиш соҳасида ишлайман. “Сайғоқнинг яшаш ареалида 2та кўрикланадиган табиий ҳудуд (Манхан ва Шарга кўриқхоналари) учун бошқарув режасини ишлаб чиқиш” лойиҳаси мен учун энг эса қоладиган тажриба бўлди. Ушбу лойиҳа учун мен маҳаллий манфаатдор томонлар ва жамоатчилик вакиллари иштирокида бошқарув режасини ишлаб чиқдим. Ҳозирги вақтда Манхан кўриқхонасининг бошқарув режаси маъқулланди, Шарга кўриқхонасининг бошқарув режаси эса кўриб чиқишга тақдим этилди.

2013 й. ноябрида сайғоқ бўйича маълумотлар тўплашда қатнашдим. Биз сайғоқнинг асосий яшаш жойида ўрганишларни муваффақиятли олиб бордик. Шунингдек мен, сайғоқнинг тарқалиш ҳудуди қанчалик тикланганини аниқлаш учун, маҳаллий аҳолини сўроқлашда қатнашдим. Ушбу ўрганишлар натижаларидан



сайғоқни сақлаш бўйича келажакдаги тадбирларни режалаштириш, ҳамда сайғоқнинг тарқалиш харитасини янгилаш учун фойдаланилади.

Табиатни муҳофаза қилиш соҳасида ёш мутахассислар мукофоти менга сайғоқ бўйича кейинги тадқиқотларимни амалга оширишга ёрдам беради. Жойлардаги егерлар ва иккита талаба ёрдамида сайғоқнинг кўпайиш жойларини аниқлашни режалаштирдим. Сайғоқнинг кўпайиш жойларини тўғри аниқлаш жуда муҳим, чунки йирткич қушларнинг ҳамласи ва касалликлар янги туғилган сайғоқчалар учун асосий табиий хавф

ҳисобланади. Назоратни Дарган Хурен Талда олиб борамиз. Ушбу ҳудуд сайғоқлар учун муҳим, бироқ кам ўрганилган ҳисобланади. У ерда ҳеч қандай табиатни муҳофаза қилиш тадбирлар олиб борилмайди. Ушбу район атрофида браконьерликнинг юқори даражаси аниқланган, шунинг учун сайғоқни сақлаш бўйича дастурларнинг амалга оширилиши жуда муҳим. Назорат режалаштирилган маршрутлар бўйича ўтказилади. Олинган маълумотлар кейинги ўрганишлар ва табиатни муҳофаза қилиш чораларини режалаштиришда қулланади.

## Сайғоқни муҳофаза қилиш ишидаги ютуқлар учун мукофот, SCA донори ва дўсти Джой Ковейнинг хотирасига



Чандан ўннга: Степной заказниги инспекторларининг командаси, Иргиз-Тўрғай резерватининг браконьерликка қарши командаси аъзолари ва Батсайхан Бальжиним.

Мукофот сўнги 12 ой давомида сайғоқни ўғринча овлашга қарши курашга алоҳида берилиб, унда улкан ютуқлар кўрсатган жисмоний шахслар ёки ҳукумат ва ноҳукумат ташкилот командалари учун мўлжалланган.

Барча номзодлар юқори малакага эга ва, уларнинг қатта ютуқларини эътиборга олиб, учта номзодга 1000 АҚШ доллари миқдорида биринчи мукофот ва 750 АҚШ доллари миқдорида иккита иккинчи мукофот беришга қарор қилдик:

- Биринчи мукофот: Иргиз-Тўрғай резерватининг браконьерликка қарши командасига, Қозоғистон: Ушбу команданинг тинимсиз иши охириги 7 йил давомида

Бетпақдала сайғоқ популяциясининг ўсишини таъминлади.

- Иккинчи мукофот: Шимолий-Ғарбий Каспий олди чўлларида сайғоқларни сақлаш учун экстремал қийин шароитларда ишлаётган Степной заказниги инспекторларининг командасига, Россия.

- Иккинчи мукофот: давлат табиатни муҳофаза қилиш инспектори, Батсайхан Бальжинимга, Мўғулистон. Унинг раҳбарлиги остида сайғоқни сақлаш бўйича инспекторлар мўғул тармоғи табиатни муҳофаза қилиш қонун ҳужжатларининг регионал моделига айлантирилди.

**Барча ғолибларни табриқлаймиз!**

## Лондон Зоологик Жамияти Дэвид Маллонни антилопаларни сақлаш бўйича иши учун мукофотлади

Лондон Зоологик жамияти(ZSL)нинг Стэмфорд Раффлз номидаги мукофоти зоологияга қўшилган муҳим ҳисса учун ёки хаваскор-зоологларга уларнинг ҳар доимги профессионал фаолиятдан ташқари ютуқлари учун берилади. Бу йил мукофот Сайғоқни сақлаш бўйича альянсининг қатта дўсти ва васийлар кенгашининг аъзоси Дэвид Маллонга топширилди. Қуйида мукофотни олиш вақтида Лондон Зоологик жамияти томонидан тақдим этилишидан цитата келтирамыз:

“Унинг Буюк Британияда экология бўйича маслаҳатчи ва лектор сифатида ишидан ташқари, Дэвид – халқаро табиатни муҳофаза қилиш ҳаракатининг кўзга ташланмаган қаҳрамони. МСОП Антилопалар бўйича мутахассислар гуруҳининг раисдоши бўлиб, у МСОП, Фауна ва Флора Интернэшнл ҳамда бошқа ташкилотлар учун қатта табиатни муҳофазалаш ишини бажаради. Дэвиднинг асосий иши Марказий ва Шарқий Осиё, Хиндистон ва Яқин Шарқда ўтади. У 1998 й. бошлаб Қизил рўйхатлар учун антилопаларнинг мақомини баҳолаш устида ишлайди, Шимолий Африка, Яқин Шарқ ва Осиёни қамраб олган МСОП Антилопалар



Дэвид Маллон Лондон Зоологик жамиятининг мукофоти билан.

бўйича ҳаракатлар режасининг ҳаммуаллифи. Дэвиднинг дала ишларидаги катта тажрибаси ва кенг билимлари, ҳамда унинг ажойиб тил кўникмалари табиатни муҳофаза қилиш ишида ҳақиқий ғалабага олиб келди. Хусусан, Дэвид антилопаларни сақлаш масалалари ечимига дунё жамиятининг жалб этилишини кучайтириш мақсадида ушбу ҳайвонлар бўйича халқаро экспертизани ўтказишда иштирок этди. Унинг саъй-ҳаракатлари антилопаларнинг кам ўрганилган турлари тўғрисида билимларни яхшилаш, антилопаларнинг

хавф остидаги турларини сақлаш учун яшаш мамлакатларида дала тадқиқотларини ташаббус қилиш, яшаш мамлакатларида потенциални мустаҳкамлаш, ушбу турлар йўқ бўлиб кетган жойларда реинтродукция бўйича ишларни қўллаб-қувватлаш ва МСОП Қизил рўйхати учун турлар мақомини доимий баҳолашга қаратилган. Бу ишнинг ҳаммаси Дэвид томонидан минимал молиявий ҳаражат билан ёки текинга бажарилган”.

**Дэвидни юксак мукофот билан табриқлаймиз!**



Е. Поповский сурати

**Сайгоқлар Степной заказнигида сувлоқда, Россия, Астрахань области.**

#### **Миннатдорчиликлар**

*Биз Сайгоқни сақлаш бўйича альянс ишини қўллаб-қувватлаш учун пул ҳадя қилган ва вақтини кетказган барча инсонларга катта миннатдорчилигимизни билдирамыз. Биз WCN ходимлари ва кўнгиллиларига уларнинг ёрдами ва кўмаги учун миннатдормыз. Шунингдек биз WCN, WWF-Мўғулистон ва WCS-Хитойдан бу сон чиқишига кўмаклашгани учун миннатдормыз.*

**Таҳрир хайъати.** Буюк Британия: проф. Э.Дж. Милнер-Гулланд [муҳаррир-консультант], Лондон Империял Коллежи ([e.j.milner-gulland@imperial.ac.uk](mailto:e.j.milner-gulland@imperial.ac.uk)); Қозоғистон: Ю. Грачев, проф. А. Бекенов, Зоология институти ([teriology@mail.ru](mailto:teriology@mail.ru)), Г. Изимбергенова, АСБК ([gulmira.izimbergenova@acbk.kz](mailto:gulmira.izimbergenova@acbk.kz)); Хитой: Аили Канг ([akang@wcs.org](mailto:akang@wcs.org)) ва Фенглиан Ли ([fli@wcs.org](mailto:fli@wcs.org)), WCS Хитой; Мўғулистон: Б. Лхагвасурен ([lkhagvazeer@gmail.com](mailto:lkhagvazeer@gmail.com)) ва Б. Чимеддорж ([chimeddorj@wwf.mn](mailto:chimeddorj@wwf.mn)), WWF-Мўғулистон; Россия: А.Лушчекина, Экология ва эволюция муаммолари институти ([saigak@hotmail.com](mailto:saigak@hotmail.com)) ва Ю. Арилов, Қалмоғистон Республикаси Ёввойи ҳайвонлар маркази ([saiga-center@mail.ru](mailto:saiga-center@mail.ru)); Ўзбекистон: Е. Бикова [маъсул муҳаррир] ва А. Есипов, Ўсимлик ва ҳайвонот олами генофонди институти ([esipov@xnet.uz](mailto:esipov@xnet.uz)); В.Григорьев [дизайн, версткалаш], [mooglik@mail.ru](mailto:mooglik@mail.ru).

Бу нашрни онлайн [www.saiga-conservation.com](http://www.saiga-conservation.com), <http://saigak.biodiversity.ru/publications.html> да ёки расмий талабга кўра босма кўринишдаги нусхада муҳаррирлардан инглиз, қозоқ, хитой, мўғул, рус ва ўзбек тилларида олиш мумкин.

Сизни олти тилнинг исталганида материал юборишга таклиф этамыз. Илтимос, уларни [esipov@xnet.uz](mailto:esipov@xnet.uz) манзилига ёки муҳаррирларнинг бирига юборинг. Бюллетень бир йилда икки марта чиқади. Инглиз ва рус тилларидаги муаллифлар учун қодаларни [www.saiga-conservation.com](http://www.saiga-conservation.com) да топиш ёки расмий талабга кўра муҳаррирдан олиш мумкин. Агар Сизда саволлар туғилса, марҳамат, мамлакатингиздаги Saiga News муҳаррири билан ёки маъсул муҳаррир - Елена Бикова билан боғланинг ([esipov@xnet.uz](mailto:esipov@xnet.uz)).